O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI



# O'zbekiston adabiyoti va san'ati

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ

Haftalik gazeta • 1956-yil 4-yanvardan chiqa boshlagan • www.uzas.uz • 2010-yil, 28-may • № 22 (4057)

### *1 июн — Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни*

## БОЛА ШОДЛИГИДАН ОЛАМ МУНАВВАР

Бола шодлигидан олам мунаввар, дунё беғубор. Бола туфайли келажак барқарор. Халқимиз фарзандлари бахту камолини ҳаётнинг мазмуни деб билади. Бу умуминсоний қадрият миллий менталитетимиз ўзагини ташкил этади.

Дунёда иккита муқаддас тушунча бор. Бу — она ва бола. «Она билан бола — гул билан лола». Бола учун онадан ҳам кўп куюнадиган, фидо бўладиган яна ким бор. Шунинг учун ҳам болаларни ҳимоя қилиш куни белгиланишида аёллар ташаббускор бўлишган.

Аёллар халқаро демократик федерациясининг 1949 йилда Парижда бўлиб ўтган анжуманида 1 июнни Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни сифатида нишонлаш тўғрисида қарор қабул қилинади. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти эса ушбу таклифни қўллаб-қувватлаб, болалар ҳуқуқи, ҳаёти ва соғлигини ҳимоя қилишни ўзининг муҳим вазифалардан бири, деб эълон этади. Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни илк бор 1950 йилда 51 мамлакатда нишонланган.

Демак, дунёда болажонларни ҳимоя қилишдек эзгу куннинг ташкил этилганига бу йил 60 йил бўлди. Алишер Навоий кўчаси бўйлаб юрарканси́з, «Болаларнинг бегонаси бўлмайди», деб ёзилган битикка кўзингиз тушади. Дарҳақиқат, болаларнинг бегонаси йўқ. Йўлда, кўча-кўйда, ҳар он, ҳар лаҳзада болаларга меҳр-мурувват кўрсатишимиз зарур.

Болалар соғлиғини ҳимоя қилиш, уларни ҳар томонлама баркамол этиб тарбиялаш давлатимиз сиёсатининг эзгу мақсадларидан биридир.

Яқинда Президентимизнинг «Болалар спорти объектларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори қабул қилинди. Қарорда 2003-2009 йиллар мобайнида Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси маблағи ҳисобидан республикада намунавий лойиҳалар бўйича 1117 та болалар спорти объектлари барпо этилгани ва фойдаланишга топширилгани, шулардан 917 та спорт иншооти (82 фоиз) қишлоқ жойларида қурилгани таъкидланган. Ҳозирга вақтда спорт секциялари ва гуруҳларида мактаблар, академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларининг 2,1 миллионга яқин ўқувчиси мунтазам шуғулланмоқда. Шунинг 35 фоизини қизлар ташкил этади. Натижада мактаб ёшидаги болаларнинг соғлиги тубдан яхшиланиб, уларнинг анча фаоллиги ва жисмоний маданияти ҳам ошиб бормоқда. Қарорда болаларни жисмоний тарбия ва спортга жалб этишни кенгайтириш, энг муҳими, соғлом ва баркамол авлодни вояга етказишга доир бир қатор вазифалар белгиланган.

«Соғ танда соғлом ақл» деган ҳикмат бежиз айтилмаган. Болаларнинг ёрқин келажагини таъминлаш мақсадида юртимизда амалга оширилаётган хайрли ишлар ўз самарасини бераётганлиги қувончлидир.

Айни кунларда мамлакатимизда Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунини кенг нишонлашга тараддуд кўрилмоқда.

Болалар ижодиёт уйида ёш ижодкорлар танлови бўлиб ўтди. Тошкентдаги Республика ёш томошабинлар театри, Ғафур Ғулом номидаги истироҳат боғи, шунингдек, юртимизнинг барча шаҳар ва қишлоқларида 1 июн куни байрам тадбирлари кенг қулоч ёяди.



Ёшлик чоғларида қилинган ҳар қандай иш — дастлабки уринишлару интилишлар, илк севгию биринчи синовлар ҳам жозибали бўлади. Бу даврдаги илк қадамлар инсоннинг бутун умрига татийдиган из қолдириши мумкин.

Бугун бир даста шеърий машқларини, таржима ёки митти ҳикояларини олиб келиб, кўзидаги шижоат ва умидни яширмай турган ёш ижодкор укаларимни кўрсам, ҳамиша шу фикрлар хаёлимдан кечади. Ҳаммамизнинг ҳам катта адабиётга кириб келишимизда кимнингдир турткиси, беғараз рағбати, куюнчаклиги сабаб бўлган. Қоралаган бошловчи асарларимизга умид билан қараган бағридарё устозларга доимо миннатдорлик билан талпинишимизнинг боиси ҳам шунда. Айни кунда адабиёт гулшанига иймаҳиб-тортиниб кириб келаётган ёш қаламкашларга берилаётган эътибор, кўрсатилаётган ғамхўрлик давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Навқирон авлод вакилларининг бу соҳадаги интилишлари муносиб баҳоланяпти. Уюшма қошида фаолият юритаётган ёш ижод-

## ЁШЛИКНИНГ ҲАР ЛАҲЗАСИ ГЎЗАЛ

корлар тўгараги аввалгидан ҳам гавжумлашиб бораётганини шу фикр билан изоҳлаш мумкин.

Ҳар чоршанба куни ўтаётган тўгарак-машғулотларда янгидан-янги истеъдодлар, умидли қалам соҳиблари кашф этилаётгани ҳаммамизни бирдек қувонтиряпти. Сўнгги машғулотларимизнинг бирида Ренис Мишоян исмли армани йигитнинг соф ўзбек тилида Ватан ҳақида ўқиган шеъри даврани тўлқинлантириб юборди. Майлида, шеъри ҳали машқ даражасида бўлсин, аммо бу ҳолат шу юрт бағрида бир шоирқалбнинг улғайиб келаётганидан далолатдир.

Бугун юртимизда навқирон авлод иқтидорини юзага чиқариш йўлида кўплаб хайрли ишлар амалга ошириб келиняпти. Хусусан, бугун Андижонда старт оладиган "Универсиада" спорт мусобақалари шукуҳи ҳам дилларга завқ бағишлайди. Бу каби тадбирлар шунчаки режа асосида ўтказиладиган йиғин эмас, балки йилдан-йилга истеъдодлар сафи кенгайиб келаётганини исботлаб берувчи анъанавий байрамлардир. Шундай байрам кунларида Ёзувчилар уюшмасининг фаол ёшларидан бир гуруҳининг бошловчи тадқиқотлари, шеърий машқлари, таржима ва мақолаларидан таркиб топган гулдастани тақдим этяпмиз.

**Иқбол МИРЗО,**
**Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раисининг ёшлар билан ишлаш бўйича ўринбосари**

→ 4

### БИЛДИРИШ

2 июн чоршанба куни, соат 15.00да Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида "Онажоним — шеърият" тўгарагининг навбатдаги машғулоти бўлади. Машғулотга барча қизиққанлар таклиф этилади.

*Манзил: "Ўзбекистон" кўчаси, 16-А уй, 6-қават.*

## ЁШ АВЛОД КАМОЛИ — ЮРТ ИСТИҚБОЛИ

*Ўн тўққизинчи довон*

Ўтаётган вақт ҳар бир инсондан ҳисоб сўрайди, келажак учун режалар тузишга, аниқ мақсад сари қадам ташлашга даъват этади. Бундан қарийб ўн тўққиз йил аввал биз ўз олдимизга аниқ мақсадлар қўйиб, шу эзгу мақсад йўлида қатъий саъй-ҳаракатларимизни бошлаган эдик. Юртбошимиз бошлаб берган бозор иқтисодиётига ўтишнинг беш тамойили босқичма-босқич, ўз вақтида, оғишмай ҳаётга татбиқ этилди, барча соҳаларда ислоҳотлар амалга оширилди. Мана шу саъй-ҳаракатларнинг нечоғли самара берганини бугун ҳаётнинг ўзи кўрсатиб турибди.

Мустақиллик йилларида мисли́сиз ўзгаришлар рўй берди. Кечаги топталган тарих, буюк ўтмишимиз ва халқимиз салоҳиятидан дарак берувчи обидалар ўз қаддини тиклади. Кечаги оддий ишчи, ижрочи бугун ўз ишига онгли ёндашадиган, ўз ҳуқуқини биладиган, замонавий тадбиркорга, оддий деҳқон эса ер билан эркин тиллашадиган фермерга айланди. Ўқийман, ишлайман, қобилиятимни кўрсатаман, деганга бугун ҳамма эшиклар очиқ. Сирасини айтганда, халқимизда ўз келажагига юксак ишонч бор. Бу ишонч буюк келажакни тобора яқинлаштирмоқда.

Биз кеча ёки бугун пайдо бўлган халқ эмасмиз. Миллатимиз илдизлари неча-неча асрлар қадимга бориб тақалади. Ал-Хоразмий, Ибн Сино, Абу Райҳон Беруний, Имом Бухорий, Марғиноний, Ҳаким ат-Термизий каби буюк алломалар яратган бебаҳо дурдоналар, Самарқанд, Бухоро, Хива, Қарши, Тошкент, Марғилон каби шаҳарлар бағрида мужассам бўлган қадим маданият сарчашмалари келажаги буюк мамлакатнинг пойдевори мустаҳкам ва ишончли эканидан далолатдир. Бу пойдевор минг йилликлар синовидан ўтган ва мангуликка дахлдорлигини исботлаган. Бугунги авлод ана шу буюк тарихни алоҳида эътибор билан ўрганмоқда ва ундан фахрланиш туйғуси ила яшамоқда.

**Давоми иккинчи саҳифада.**

***Бу кошона бир пайтлар сохта даҳога атаб қурилган эди. Устоз Ғайбулла ас-Салом сўзларини хотирлайман: "Ҳали кўрасиз, бўтам, "даҳо"нинг миси чиқади, номи ўчади, бино эса қолади. Ва ундан ўз тарихимиз осори-атиқалари ўрин олади...". Йиллар ўтди, устознинг башорати тасдиқланди. Миснинг миси чиқиб, тиллага ўрин бўшатди: умум сатҳи қарийб икки минг квадрат метр бўлган муҳташам иншоат Ўзбекистон тарихи Давлат музейи ихтиёрига берилди.***

## МОЗИЙ ДАРСХОНАСИ

### *Ўзбекистон тарихи давлат музейига саёҳат*

Музей заллари бўйлаб оҳиста одимлайман. Дастлабки экспозициядан Тош даврининг палеолит, кейин неолит босқичларига оид ашёлар жой олган. Булар меҳнат қуроллари, жанг қуроллари — тошдан ишлов бериб ясалган... "Эрамиздан миллион йил аввал", деган филм бўлгувчи эди. Ўша филм лавҳалари кўз олдимга келади. Ибтидоий одамлар жамоа бўлиб яшашган. Уларни эҳтиёж, зарурат бирлаштирган. Кўплашиб баҳайбат ҳайвонларни, масалан, мамонтларни овлашган. Албатта, ўша пайтлардаям ўзаро дўстлик, биродарлик, меҳр-муҳаббат туйғулари қай бир кўринишда бўлган. Шу туйғулар туфайли табиатнинг яшаш учун курашдек бешафқат қонунига бардош бера олишган. Энг муҳими, ибтидоий жамоада ўзаро тенглик ҳукм сурган. Биргаликда меҳнат қилинган, фақат кексалар, хасталар, болаларга имтиёз берилган.

Музей ашёлари орасида меҳнат ва жанг қуролларидан ташқари рўзғор идишлари, безаклар, кўзгулар, сопол буюмлар, ёғоч идишлар, матолар ва иплар борки, булар ҳунармандчиликнинг тараққий этганидан хабар беради. Тош даврига оид ашёлар Фарғона водийсидаги Селунғур, Сурхондарёдаги Тешиктош ғорларидан, шунингдек, Самарқанд вилоятининг Омонқўтон, Тошкент вилоятининг Хўжакент ҳудудларидан ҳам топилган.

Муаррихлар кишилик жамияти тараққиёти бизнинг ҳудудларда тез кечганлигини эътироф этадилар. Эрамиздан аввалги II минг йиллик охири III минг йиллик бошларида ҳозирги Ўзбекистон ерларида бронза асри бошланади. Сер-сув Амударё, Зарафшон воҳалари, Фарғона водийси аҳолиси суғорма деҳқончиликка, нисбатан сув танқис бўлган Қашқадарё, Сурхондарё, Бухоро вилоятлари ҳудудларидаги қабилалар чорвачиликка ихтисослаша бошлайдилар. Айни чоғда чорва ва деҳқончилик билан шуғулланувчи қабилаларда мулкий муносабатлар шаклланиши юз беради. Бу даврга келиб, металга, ёғочга ишлов бериш, кулолчилик, тўқувчилик каби ҳунарлар тараққий этади. Одамзод тарихида тош даври жуда узоқ давом этади, бронза ва темир кашф этилиши билан эса тараққиёт тезлашиб кетади. Шу билан бирга рақобат, тенгсизлик кучаяди. Ажаб, тараққиёт бир томондан одам боласига енгиллик берса, бошқа томондан...

**Давоми олтинчи саҳифада.**

## КАРКИДОН — ИНДРИКОТЕРИЙ

*Ноёб топилма*

Наманган шаҳрини ободонлаштириш ишлари жараёнида Алишер Навоий номидаги вилоят театри атрофидан бугун мавжуд бўлмаган жонзотнинг бош суяги топилди. Вилоят ўлкани ўрганиш музейига олиб келинган мазкур топилма қандай жонзотлар аждодига тегишли экани ҳамда қайси даврга мансублигини аниқлаш бўйича мутахассислар томонидан дастлабки илмий тадқиқот ишлари олиб борилди. Наманган давлат университети олимлари ҳам ушбу тадқиқотга жалб этилди. Эркинбой Икромов ва бошқа олимлар турли тахминларни ўртага ташлаб, топилма — бош суяк қўнғир айиқники бўлса керак, деган фикрга келишди.



Ўзбекистон давлат табиат музейи мутахассисларининг Наманганга ташрифи масала ечимини ойдинлаштирди. Палеотолог олимлар билан биргаликда олиб борилган илмий таҳлилдан сўнг бир тўхтамга келинди. Яъни, Наманган шаҳридан топилган номаълум ҳайвоннинг бош суяги **индрикотерийга** (илмий атамаси indricotherium) тегишли эканлиги аниқланди. Унинг баландлиги беш метрга етиб, ўз даврида Ер куррасидаги энг йирик сут эмизувчи ҳайвонот дунёси вакиларидан бири саналган. Индрикотерийлар кичик тўдалар ҳолида ҳозирги Ўзбекистон ва Қозоғистон ҳудудида кезиб юрган, ўт-ўлан ва дарахтлар шохи билан озиқланган. Жанубий Қозоғистон ва Оролбўйи минтақаларидаги қазишмалар вақтида ҳам унинг скелетлари топилган эди.

Эволюцион нуқтаи назардан индрикотерийлар каркидонларнинг энг қадимий аволодларидан бўлиб (лекин уларнинг бурнида шохи бўлмаган), ер тарихининг тўртламчи даврида қирилиб битган. Бу давр геохронология илми ҳисоб-китобига кўра, бир неча миллион йилларни ўз ичига олади.

Алишер Навоий номидаги Наманган вилоят театри майдонида олиб борилган қазишма чоғида тупроқ остидан чиққан топилма шундан далолат берадики, миллион-миллион йиллар аввал ҳам ҳозирги Наманган ҳудуди бундай йирик ҳайвонларнинг яшаши учун қулай бўлган. Баландлиги беш, узунлиги саккиз метрлик жонзотларнинг озиқланиши учун ўсимлик дунёси ҳам бой бўлган.

Бу баҳайбат каркидонлар жуда қадим даврларда йўқ бўлиб кетган эсада, ўзларидан ўчмас из қолдиришган. Маълумки, чустлик пичоқсозлар пичоқ дастасини каркидон суягидан тайёрлаганлар. Бу жараён юртимиз амалий санъати ривожига муайян даражада ҳисса қўшган. Қадимда мўгизлар тайёрлашда каркидон суягидан фойдаланилган. Тасаввур қилиш мумкинки, чустлик пичоқсозларнинг аждодлари уни ер остидан — юз миллион йиллар бурун йўқолиб кетган ҳайвонлар суякларидан олишган бўлиши мумкин. Чустдаги катта қишлоқлардан бирининг номи Каркидон эканлиги ҳам бу фикрни тасдиқлайди.

Каркидон бош суягининг Намангандан топилгани қадимда улар бутун юртимиз ҳудуди бўйлаб кезиб юрганидан далолатдир. Бу она сайёрамиз тарихини ўрганиш бўйича амалга оширилаётган илмий тадқиқот ишларини бойитувчи ноёб манба ҳисобланади. Мазкур ноёб топилма устида илмий тадқиқот ишлари давом эттирилмоқда.

**Э.МИРЗААЛИЕВ,**
**тарих фанлари номзоди**
**Э.КАРИМОВ олган сурат.**

## БАРКАМОЛЛИК БЕЛЛАШУВИ

### *Бугун Андижон шаҳрида "Универсиада — 2010" спорт мусобақалари бошланади*

Фарзандлар келажагини ўйлаб иш юритиш халқимизнинг азалий қадриятларидан бири. "От ўрнини той босар", "Қўй келади қўзи билан, Бир-бирининг изи билан", "Данагидан мағзи ширин", "Боласи борнинг боғи бор" каби мақоллар минг йиллардан буён оталарнинг болаларга бўлган меҳрини ифодалаб келаётир.

**Тойлар ўсиб тулпор бўлсин улларни миндиришга,**
**Уллар ўсиб ботир бўлсин отларни елдиришга, —**

дейилади достонларда. Бундай эзгу ниятдан мақсад Ватанни ҳимоя қиладиган, эл-юртнинг қадрини, обрў-эътиборини кўтарадиган ўғлонларни тарбиялашдир. Шунинг учун ҳам ёш авлодни баркамол этиб тарбиялаш барчамизнинг бурчимиз. Баркамол авлод деганда биз ҳам жисмонан, ҳам маънан камолотга эришган, ҳар томонлама мукаммал бўлиб вояга етган ёшларни тушунамиз.

Бугун мамлакатимизда баркамол авлод тарбиясига катта эътибор қаратилмоқда. Ёшлар ўртасида қатор ижодий танловлар, илм-фан олимпиадалари, спорт мусобақалари мунтазам равишда ўтказилмоқда. Бугун Андижон шаҳрида бошланаётган "Универсиада — 2010" спорт мусобақалари ҳам ёшларнинг жисмоний ва маънавий салоҳиятини намоён этадиган йирик беллашувлардан биридир.

**Давоми иккинчи саҳифада.**

**Ушбу сонда:**

*Баркамол авлод беллашуви
*Тимсоллар силсиласи
*Ёшлар овози
*«Соғинч соҳили»нинг соғинчи...
*Мозий дарсхонаси

Бошланиши биринчи саҳифада.

Мамлакатнинг эртанги куни қандай бўлиши ҳозир улғаяётган ёш авлоднинг камолоти билан боғлиқ. Ҳозирги кунда юртимиз аҳолисининг ярмидан ортиғини ёшлар ташкил этади. Ватанимизнинг буюк келажаги ана шу ёшлар қиёфасида кўринади. Шу боисдан ёш авлоднинг баркамол ҳолда вояга етиши учун нимаики зарур бўлса, барчаси яратилмоқда. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, мактаб таълимини ривожлантиришга бағишланган Давлат умуммиллий дастури доирасида шаҳар ва қишлоқларимизда замонавий ўқув бинолари қад ростлади. Улардаги шарт-шароитлар ҳеч бир мамлакатдагидан қолишмайди. Болалар спортини ривожлантиришга қаратилган алоҳида эътибор туфайли спорт майдонлари, мажмуалари барпо этилди ва бу иш қизғин давом этмоқда. Ёшларни жисмонан чиниқтириш ва имкониятларини юзага чиқариш мақсадида уч босқичли йирик спорт мусобақалари тизими ишлаб чиқилди.

Мусиқа билим юртлари фаолиятини жонлантириш борасида ҳам салмоқли ишлар кўзга ташланаяпти. Бундай шарт-шароитлар туфайли ўғил-қизларимиз ҳар йили жаҳон миқёсидаги фан олимпиадаларида, санъат фестивалларида, спорт мусобақаларида муносиб иштирок этиб, юртимиз шарафини юксак поғоналарга кўтармоқда. Бу танлаган йўлимизнинг нақадар тўғрилигидан, буюк келажакдан дарак эмасми? Бинобарин, ёшларга кундан-кунга янги имконият кенгликлари очилаяпти.

Президентимиз таъкидлаганидек, «Бугун ҳеч кимга сир эмаски, биз яшаётган XXI аср интеллектуал бойлик ҳукмронлик қиладиган аср. Кимки бу ҳақиқатни ўз вақтида англаб олмаса, интеллектуал билим, интеллектуал бойликка интилиш ҳар қайси миллат ва давлат учун кундалик ҳаёт мазмунига айланмаса — бундай давлат жаҳон тараққиёти йўлидан четда қолиб кетиши муқаррар».

Эрта тонгда ишга кетатуриб мактаб ёки бошқа таълим муассасаси ёнидан ўтаётганда ўғил-қизларимиз давлат мадҳиясини баралла айтаётганларини эшитасиз. Улар дарсни ана шундай бошлашади. Улар мадҳияни айтиш баробарида қайси мамлакатда камол топаётганлигини, Ватан олдида, жамият олдида бурчли эканлигини, келажакнинг муносиб вориси бўлиб улғайиши лозимлигини ҳис этадилар, шунга мос равишда илм олишга интиладилар. Шу ёшларга, орзуинг нима, деб савол бериб кўринг-а, кўпчилиги, орзуим бирон соҳани пухта эгаллаб, юртимиз обрўсини янада кўтариш, дея жавоб беради.

Мустаҳкам пойдевор устига қурилаётган буюк иморат бунёдкорларининг давомчилари ана шу ёшлар орасида эканлигини ишонч билан айтишимиз мумкин. Ҳар жиҳатдан тўкис жамиятда вояга етаётган мана шу ёшлар ҳадемай мамлакатимиз илм-фанини ривожлантиришда, спорт, маданият ва бошқа соҳаларда, сарҳадларимиз тинчлигини қўриқлашда ўзларини намоён этадилар.

# ЁШ АВЛОД КАМОЛИ – ЮРТ ИСТИҚБОЛИ



Ўтган йили Лондондаги қироллик саройида пианиночиларнинг VII халқаро танлови ўтказилди. Фестивалда ўн олти мамлакатдан келган юздан ортиқ ёш пианиночилар иштирок этди. Юртдошимиз Беҳзод Абдураимов мазкур танловнинг бош совринини қўлга киритиб, жаҳон мусиқаси намоёндалари томонидан юксак эътирофга сазовор бўлди. Ўн тўққиз ёшида жаҳонни лол қолдирган Беҳзоднинг мақсадлари улуғ. Дастлабки қадамларидаёқ жаҳон кўламида эътироф этилаётган бу ёшларимизнинг келажакда бунданда юксак чўққиларни забт этишига шак-шубҳа йўқ.

Самарқандлик Диёра Салимова эса ҳали лицейда ўқиётган чоғларидаёқ Ўзбекистон ёшларининг нақадар мустаҳкам интеллектуал салоҳиятга эгалигини кўрсатди. У 2008 йилда Испаниянинг Мадрид шаҳрида бўлиб ўтган 49-халқаро математика олимпиадасида иштирок этиб, тўқсон еттита мамлакатнинг энг билимдон ёшлари орасида бронза медалига сазовор бўлди. Шу йили Москвада ўтказилган IV халқаро табиий ва ижтимоий-гуманитар фанлар олимпиадасида ҳам ғолибликни қўлга киритди. Бизнинг фанимиз, маданиятимиз келажаги ана шундай илмга чанқоқ ва интилувчан ёшлар қўлида.

Бугун армиямизни сифат жиҳатидан янада мустаҳкамлашга жиддий эътибор берилмоқда. Жисмонан бақувват, кучли билим ва тафаккурга эга бўлган ёшлар армиямиз сафларини тўлдираяпти. Бу ватанимиз осойишталиги ишончли қўлларда эканлигидан далолатдир. Тинчлик барқарор бўлган мамлакатдагина кўзланган барча эзгу мақсадлар амалга ошиб, ривожланиш сари дадил қадам ташланаверади. Юртдошларимизнинг осойишта ҳаёт қўйнида бахтли ва фаровон ҳаёт кечиришлари, айниқса, фарзандлари тинчгина илм олиб, армия сафида намунали хизмат қилаётганидан кўнгли тўқ бўлган оналарнинг хотиржамлиги, айтиш мумкинки, бизнинг энг катта бойлигимиз. Оналаримиз тилакларида, кексаларимизнинг дуога қўл очишларида улар қалбидаги шукроналик туйғуси яққол намоён бўлиб турибди.

— Мен илм йўлини танлаганимдан мамнунман, — дейди Самарқанд давлат университети талабаси, Президент стипендиати Умида Рашидова. — Ўқувчилик давримда чет эллик тенгдошларим оламшумул ютуқларни қўлга киритаётганлари ҳақида кўп эшитардим. Шунда, наҳотки шу ишларни қилиш менинг қўлимдан келмаса, ахир, бизда ҳам ҳамма шароит бор-ку, деб ўз-ўзимга савол бердим ва пухта билим олишга, ўз имкониятларимни намоён этишга қатъий бел боғладим. Астойдил интилиб, анча-мунча кашфиётларга қўл урдим. Муҳими, ҳеч қандай тўсиқни сезмадим. Чинакамига интилган кишининг йўли ўз-ўзидан очилиб бораверишига амин бўлдим. Мақсадларим катта. Ватанимиз тараққиётига хизмат қиладиган кашфиётларни юзага чиқармагунча изланавераман.

Булунғурлик ёш фермер Ғулом Ўроловнинг фикрлари ҳам кўнглимизни тоғдек кўтарди:

— Қишлоқ хўжалиги бўйича мутахассисман. Ўқишни тугатгач, шаҳарда қолиб ишламоқчи бўлдим. Чунки қишлоқда нима иш қиламан, деб ўйладим-да. Устозларим эса қишлоққа бориб фермер бўлишимни маслаҳат беришди. Уларнинг маслаҳатига амал қилиб, иш бошладим. Бошда анчагина қийинчиликлар бўлди. Бор-е, деб ташлаб кетмоқчи ҳам бўлдим. Аммо жиддий ўйлаб кўриб, фикримдан қайтдим. Оғирнинг устидан, енгилнинг остидан юриб қанча яшашим мумкин? Шу қийинчиликларни енга олмасам, шунча йил ўқиганимдан нима наф? Енг шимариб, ишга киришдим. Қийинчиликлар ортда қолди. Ҳозир ҳамма ишларим жойида. Асосийси, ер билан тиллашиб кетдим. Қачон экиб, қанча ҳосил олишни яхши биламан. Оилам фаровон, ишчиларимиз ҳам мамнун. Фарзандларимиз учун қишлоқнинг ўзида шаҳарникидан қолишмайдиган шароит мавжуд. Замонавий боғча, мактаб, спорт мажмуаси, шифохона дейсизми, ҳамма-ҳаммаси муҳайё.

Дарҳақиқат, бугун нафақат пойтахтимизда, балки бошқа шаҳарларимизда ҳам сўз билан таърифлаб бўлмас даражада улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилаяпти. Қишлоқларимиз қиёфаси кундан-кунга гўзаллашиб бораётганлигига ҳар қадамда гувоҳ бўлиш мумкин. Булар фақат бугунги кунни эмас, балки узоқ келажакни ўйлаб амалга оширилаётган ишлар эканлигига шубҳа йўқ. Мана, шу буюк ўзгаришлар, мана шу жараён савияси юксак бадиий асарларда ҳам акс этиши керак. Бинобарин, келажак авлодлар бизнинг бугунги изланишларимизни ана шу асарлар орқали янада ёрқинроқ тасаввур қилишсин. Шу мақсадда бугунги кунда миллий адабиётимизни ривожлантириш, ижодкорларни рағбатлантириш борасида катта саъй-ҳаракат бошланди. Бу жараён, бу ғамхўрлик ўз самарасини кўрсатишига ишончимиз комил.

Бугун дунёда глобал муаммолар авж олаётган, инсоният оммавий маданият ниқоби остидаги турли иллатларга ружу қўяётган бир пайтда мамлакатимизда миллий ўзлигимизни ҳар хил салбий таъсирлардан асрашга, асрлар синовидан ўтган миллий анъаналаримизни кенг тарғиб қилишга ва уни ёш авлод онгига сингдиришга жиддий эътибор қаратилаётгани бизнинг улкан ютуғимиздир. Зеро, ҳар қандай ёвуз куч маънавий қудрат олдида бош эгади. Биз маънавиятимизни қанча юксалтирсак, ўзимиз ҳам шу қадар юксалиб бораверамиз.

**Уйғун РЎЗИЕВ**

# БАРКАМОЛЛИК БЕЛЛАШУВИ



Бошланиши биринчи саҳифада.

"Универсиада — "университет" ва "олимпиада" сўзларининг қўшилишидан ясалган сўз бўлиб, талабалар ўртасидаги спорт мусобақалари деган маънони англатади. Айни пайтда ушбу ифода замирида ҳар томонлама камол топган ёшлар "универсал" мусобақаларда қатнашиб, жаҳон майдонларини — олимпиада шоҳсупаларини забт этсинлар, деган эзгу ният ҳам мужассамдир. Олимпиада дунё халқлари ўртасидаги бирдамликни, тинчлик ва тотувликни, умуминсоний қадриятлар устуворлигини намоён этса, мамлакатимизда ўтказилаётган "Универсиада — 2010" спорт мусобақалари эса ёшларнинг Ватанга муҳаббатини, эл-юртга фидойилигини, маънавий етуклигини кўрсатади.

Ушбу нуфузли спорт мусобақаларида иштирок этаётган ва уни ойнаи жаҳон орқали катта қизиқиш билан кузатаётган ёшларимиз томирида Алпомишу Амир Темур, Мирзо Улуғбеку Алишер Навоий, Жалолиддин Мангубердию Мирзо Бобур каби боболаримизнинг мардона қони жўш урмоқда.

Мусобақалар ўтказиладиган ўттиздан орти иншоатнинг барчаси капитал таъмирдан чиқарилиб, ораста қилинди. Беллашувлар асосан Андижон давлат университети, Қишлоқ хўжалик, Тиббиёт, Муҳандислик-иктисодиёт ва Тиллар педагогика институтлари, шунингдек Олимпия захиралари коллежи спорт заллари ва майдонларида ўтказилади. Талабалар ётоқхоналарида ёшларнинг дам олиши, овқатланиши, бўш вақтларини мазмунли ўтказиши учун барча шарт-шароитлар яратилган. Мусобақалар давомида ахборот марказлари, компютер, телефон, факс каби алоқа воситалари доимий ишлаб туради.

Шаҳарни ободонлаштириш, зарур кўргазмали воситалар билан безатиш ишлари ҳам намунали тарзда амалга оширилган. Амир Темур, Университет, Чўлпон, Фитрат, Комил Яшин кўчалари замонавий қиёфа касб этган. 20 мингдан зиёд гул кўчатлари ўтказилиб, йўлаклар кўкаламзорлаштирилди. Бундан етти йил муқаддам "Баркамол авлод" спорт мусобақаларига мўлжаллаб шаҳар марказида олимпия заҳиралари спорт коллежи, 20 минг томошабинга мўлжалланган замонавий ўйингоҳ қурилганди. "Универсиада— 2010 дастуридан ўрин олган қатор беллашувлар айни шу иншоотларда ўтказилади. Шу боис бу жойлар кўзни қувонтирадиган даражада қайта таъмирланди. Шаҳарнинг "Шўрбулоқ" даҳасида эса учта футбол майдонига эга муҳташам футбол академияси қуриб битказилди. Бу ерда миллионлар ўйинининг ишқибозлари талабаларнинг қизғин баҳслари гувоҳи бўлишади.

"Шеър мутолааси ақлни ривожлантиради, одоб-аҳлоқ қоидалари феъл-атворни тарбиялайди, ҳар томонлама мукаммал маълумотни эса мусиқа камол топтиради", — деб ёзганди файласуф Конфуций. Шу маънода "Универсиада — 2010" спорт мусобақалари иштирокчиларини таниқли ижодкорлар, шоир ва ёзувчилар иштирокидаги шеърият кечалари, маънавият мавзусидаги давра суҳбатлари, ранг-баранг мусиқий дастурлар ҳам кутаётир.

**Наби ЖАЛОЛИДДИН**

# УЛУҒ СИЙМОНИ АНГЛАШ ЙЎЛИДА

Соҳибқирон Амир Темурнинг ҳаёти ва умуман темурийлар даври нафақат ўзбек халқи тарихининг, балки дунё тарихининг ҳам шарафли саҳифаларидан биридир. Буюк давлат арбоби, бунёдкор, илму фан ҳомийси ва буюк саркарданинг жаҳон тамаддунига қўшган ҳиссасини дунё олимлари муттасил ўрганиб, тадқиқ этиб келишмоқда. Мамлакатимиз Президенти таъкидлаганидек, "Амир Темурни англаш – ўзлигимизни англаш демакдир".

Юртимизда ҳар йили Соҳибқирон туғилган кун кенг нишонланади. Бу йилги тадбирларда ҳам халқимизнинг Амир Темурга бўлган бемисл ҳурмат ва эҳтироми ёркин намоён бўлди. Халқимиз орасида Соҳибқирон бобомиз даври тарихини ўрганишга қизиқиш тобора ортиб бораётир. Тошкентдаги Амир Темур ҳайкали пойида ва Темурийлар тарихи давлат музейида ўтказилган тадбирларда бир қатор давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, турли мамлакат элчилари, олимлар, олий ўқув юртлари талабалари иштирок этдилар. Жамғарма фаоллари саъй-ҳаракати билан Самарқанд Давлат университети, Навоий Давлат педагогика институти, Қашқадарё вилояти ҳокимлиги ва Термиз Давлат университети ҳамкорлигида Самарқанд, Навоий, Шаҳрисабз ва Термиз шаҳарларида баркамол авлод вакилларига тўлиб турган муҳташам залларда илмий-амалий анжуманлар ўтказилди, Соҳибқирон ҳаётига оид қизиқарли маърузалар тингланди.



Республика ва вилоятлар матбуоти саҳифаларида темуршунос олимларнинг Амир Темур ва темурийлар даврига бағишланган мақолалари чоп этилди, радио ва телевидение орқали турли чиқишлар уюштирилди.

Маданиятимизнинг нодир адабий-тарихий ёдгорлиги бўлган "Темур тузуклари"ни уч тилда нашр этиш ишлари давом эттирилмоқда. "Амир Темур солномаси" китоби нашр этилиб, мактаблар, коллежлар, лицейлар ва турли вазирликларга тарқатилмоқда. Жамғарманинг Хоразм вилояти бўлими Хоразм Маъмун академияси билан ҳамкорликда "Амир Темур ва темурийлар салтанатининг жаҳон тарихида тутган ўрни" мавзуида конференция ўтказиб, анжуман материалларини алоҳида китоб ҳолида нашр эттирди...

Амир Темур хайрия жамғармаси раёсатининг навбатдаги йиғилишида ана шу ҳақда сўз борди. Жамғарма раиси, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Муҳаммад Али бошқарган раёсат йиғилишида тарих фанлари доктори, профессор Дилором Юсупова, жамғарманинг хорижий алоқалар бўлими бошлиғи Насруллоҳ Тўра, шунингдек, жамғарманинг вилоят бўлимлари раҳбарлари Соҳибқирон бобомиз таваллудининг 675 йиллигига бўлаётган тайёргарлик ҳақида сўз юритдилар. 1370 йили Термиз ёнида Амир Темур билан унинг пири Мир Саййид Барака учрашган тарихий жойни аниқлаш ва абадийлаштириш, хорижий алоқаларни ривожлантириш, жамғарма моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, "Соҳибқирон" газетаси нашрини йўлга қўйиш, жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликни кучайтириш юзасидан ҳам фикр-мулоҳазалар билдирилди.



# МАШҲУР СОЗАНДА ТАШРИФИ

Ёшлар ижод саройида франциялик ёш созанда Тибо Ковеннинг концерти бўлиб ўтди.

Тибо Ковен Бордо шаҳрида мусиқачилар оиласида туғилган. Олти ёшидан гитара чалади. Йигирма ёшига қадар Испания, АҚШ, Португалия, Италия, Буюк Британия каби давлатларда ўтказилган халқаро мусиқа танловларида ўн уч марта биринчи ўринга лойиқ топилган ва моҳир гитарачи дея эътироф этилган. Тибонинг репертуари бой, ранг-баранг ва замонавийдир. Бугунги кунга қадар у дунё бўйлаб олти юздан ортиқ концерт дастурини тақдим этган.

— Ўзбекистонда илк бор бўлишим дейди, — созанда журналистлар билан бўлган учрашувда. — Тошкентнинг кўркам бинолари, яшил майдонлари мени ҳайратга солди. Айниқса, Ҳазрати Имом мажмуаси менда катта таассурот уйғотди. Мажмуадаги чиройли устунларни кўриб завқландим. Бухорони қадимий ёдгорликларга бой шаҳар деб эшитгандим ва уни кўришга жуда ошиқяпман. Бўш пайтларимда сурат олиш билан шуғулланаман...

Бугунги кунда жаҳондаги машҳур гитарачилардан ҳисобланган Тибо Ковен ўзбекистонлик мусиқа шайдолари ҳузурида Скарлати, Букстехуде, Пьяццолла, Жобим сигари замонавий бастакорларнинг асарларидан ижро этди. Мусиқа сўзсиз тингланадиган ва англанадиган санъат. Ёш созанданинг маҳорат ила чалган мусиқалари тингловчилар томонидан олқишларга сазовор бўлди. Бугун Тибо Ковен ижодий сафар билан Бухоро шаҳрида бўлади ва концерт дастурини тақдим этади.

Тибо Ковеннинг ижодий сафари "Ўзбекистон Маданияти ва санъати форуми" ва Виктор Гюго номидаги маданият маркази томонидан ташкил этилди.

**С.ҚОСИМОВА**

Жажжи болажонлар яқинларидан эшитган сўзларни ўз тилида шундай ширин такрорлайдики, бу болаларга хос беғуборлик, эркалик ва самимийлик ифодасидир. Унинг борлиқни англаган ҳолда одамларни, табиат мавжудотларини идрок этиб бориши эса секин-аста ўзига хос оламини бойитади. Маълум бир истеъдоднинг шаклланиши ҳам шу жараёнда рўй беради.

# БОЛАЛАР ОЛАМИГА САЁҲАТ

Расм чизаётган болакайга эътибор берганмисиз. Унинг суратларида бирор бўрттириш ёки дабдабани кўрмайсиз, аксинча, борлиқни ўз тасаввури билан қандай бўлса, шундайлигича тасвирлашга ҳаракат қилади.

Яқинда Тошкент Фотосуратлар уйида бўлганимда, бунга яна бир бор амин бўлдим. Латвия Республикасининг Ўзбекистондаги элчихонаси ҳамда Бадиий академия ҳамкорлигида ташкил этилган "Латвияда бир кун" фотокўргазмасининг бир бурчаги айнан болажонлар ижодига ажратилгани кишини қувонтиради. Чунки ўз қўллари билан чизган суратларни катта кўргазма залида кўрган кичик рассомлар юрагида, албатта, болаларга хос ифтихор, ўзига ишонч ҳисси уйғониши табиий. Тошкент шаҳар болалар санъат маркази тарбияланувчиларига Алфия Мамбетова устозлик қилади.

Латвия эртаклари билан яхши таниш бўлган бу болалар ўз асарлари учун энг таъсирли эртак қаҳрамонлари ва уларнинг турли саргузаштларини асос қилиб олганлар. Ж.Назарова ва Г.Собирхўжаев ўз суратларида яхшиликнинг қадрига етувчи ҳайвонлар — асалари ва чумолини тасвирлашган. Улар тенгдошларига табиатнинг инсонга фойда келтирувчи жонзотларига озор етказмасликни уқтирмоқчи бўлганлар гўё. С.Горелкина чизган сурат ҳам алоҳида эътиборга лойиқ. Ёш рассом қўзиқорин тасвири орқали Томнинг бош бармоғини ифодалашга ҳаракат қилган. Бу ўзига хос ўхшатиш Сашанинг маҳорати ва фантазияси ошиб бораётганидан дарак беради. Шунингдек, Д.Мирзааҳмедова, А.Фолтс, Д.Баҳромов, Р.Дробжевалар чизган расмлар ҳам томошабинларда катта қизиқиш уйғотади.

Умидли ёш рассомлар мазкур кўргазмадаги чиқишлари билан устозлари ишончини оқладилар. Бу кичик имконият, албатта, болажонларнинг ҳар бирини келажакда катта залларда шахсий кўргазмаларини ташкил этишга ундаши, шубҳасиз.

**Н.ИСМАТУЛЛАЕВА**



Бахли болалик...

*Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмасининг*

# «ЙИЛНИНГ ЭНГ ФАОЛ ЖУРНАЛИСТИ – 2009»

## танлови давом этмоқда!

Ўзбекистонда демократик тараққиёт ва фуқаролик жамиятини барпо этиш йўлида улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда. Мамлакатни янгилаш, иқтисодиётни модернизация қилиш, амалга оширилаётган ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, халқимизнинг турмуш фаровонлигини ошириш, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш борасида катта ютуқларга эришилди. Ўтган йили қишлоқ тараққиёти ва фаровонлигига йўналтирилган Давлат дастури асосида қишлоқларимизни обод этиш, аҳолининг турмуш маданиятини юксалтириш, яшаш шароитини шаҳар даражасига яқинлаштириш бўйича салмоқли ва хайрли ишлар қилинди.

Бу йил фарзандларимизнинг жисмонан ва маънан соғлом, давр талабига мос интеллектуал билим ва ихтисосга эга бўлган замонавий инсонлар бўлиб вояга етишларини таъминлашга қаратилган эзгу мақсад йўлида улкан ҳаракат бошланди.

Халқимизнинг эришаётган бу ютуқлари, олижаноб мақсад ва саъй-ҳаракатларини кенг ёритишда оммавий ахборот воситаларида фаолият кўрсатаётган сиз, журналистларнинг хизматларингиз катта.

Азиз ҳамкасблар, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмасининг «Йилнинг энг фаол журналисти» анъанавий танлови давом этмоқда. Танловга 2009 йилнинг 1 июнидан 2010 йилнинг 1 июнигача газета ва журналларда, Интернет нашрларида эълон қилинган материаллар, эфирга узатилган телекўрсатув ва радиоэшиттиришлар қабул қилинади.

Материаллар танловга таҳририят тавсияси билан Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмасининг Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар бўлимлари орқали жорий йилнинг 5 июнигача тақдим этилади.

Ижодий ишлар намуналари билан биргаликда муаллифнинг иш жойи, телефони, манзили ҳақидаги маълумотлар ва паспорт нусхаси илова қилиниши шарт.

«Йилнинг энг фаол журналисти — 2009» танлови ғолиблари ва совриндорларига диплом ҳамда қимматбаҳо совғалар Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кунига бағишлаб 27 июнда ўтказиладиган байрам тадбирида топширилади. Тақдирланганлар рўйхати матбуотда эълон қилинади.

Материаллар «Йилнинг энг фаол журналисти — 2009» танловига деб кўрсатилган ҳолда қуйидаги манзилга юборилиши лозим:

**100129, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй. Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси, 3-қават, 30, 35, 37-хоналар. Телефонлар: 244-64-61; 244-64-62; 244-37-87.**

**www.Journalist.uz**

# ЧИН ШЕЪР ТАРОВАТИ

Ойбек шеърияти чоғдош ижодкорлардан ўзгача тарователи билан ажралиб туради. Бунинг сабаби унинг асл шеърларида туйғу самимияти яққол намоён бўлишида. У энг дастлабки шеърларидаёқ замон кишисининг туйғуларини олдиндан мавжуд бўлган поэтик қолипларга солмай, туюлганидай ифодалашга уринди. Шунинг учун ҳам Ойбекнинг шеърлари бир нафас билан ўқилмайди. Шоирнинг руҳини туймаган киши унинг шеърларини ўқиёлмайди ёки ўқиса ҳам завқланолмайди. Шеърнинг мусиқий оҳангдорлигига, қўшиқдай куйланишига кўникиб қолган ўзбек шеърхони Ойбек шеърларини анчагина қийинчилик билан идрок этади. Кўклам булутидай енгил сўзлардан ташкил топган шеърлар замиридаги эстетик залвор кишини ҳайратга солади.

Бизга Ойбек шеър ёзмайдигандай, балки кўнглини баён қилиб, кайфиятини манзаралаштирадигандай туюлади. Шунинг учун ҳам унинг асл шеърлари ижтимоий даъволардан йироқдир. Таъсирчан қалбли санъаткор бўлгани учун ҳам Ойбек олам ва одамнинг турли ҳолатларидан туғилган ҳайратларини шеърга солади. Ғоят ўзига хос шахс экани сабаб унинг поэтик чизгилари ҳам ҳеч кимникига ўхшамайди. Ойбек назмининг равон мусиқий, сайқалланган силлиқ бўлишига интилмайди. У ўз туйғуларини бор ёввойилиги, саркашлиги билан ифодалашга уринади. Бу ҳол унинг шеърларига ўзгача бир тароват бахш этади:

***Кун ботди... Оғочликда қизил шол***
***Еллар билан бир ўйнади, сўнди.***
***Борлиқни қоплаб олди***
***Сўнгра кўлкали хаёл.***

Туйғу самимий ва ифода табиий бўлгани боис оддийгина табиат манзарасида инсон руҳий ҳолати ҳам акс этади. Ботаётган куннинг қип-қизил шафағини оғочлик елкасига ёпилган ёпинчиқ-шолга ўхшатиш тасвирга бироз эрка инсонийлик бахш этади. Оғоч япроқларининг елда енгилгина титраши қизил шолнинг ҳилпирашига ўхшайди. Бу ҳолат узоқ давом этмайди. Чунки ғуруб қисқа кечади. Маълумки, кун ботаётганда соя узаяди. Бутун борлиқни эгаллаб олган қоронғилик зулмат эмас, балки оғочларнинг узая-узая тунга айланган сояси. Қоронғиликда дарахтлар хаёлий тус касб этишади. Реал бу дунёнинг нарсасига ўхшамай қолади. Мана шу жиҳати туфайли ҳам тун одамнинг фантазиясига зўр озуқа беради. Кўпчилик ижодкорларнинг асосан шу вақтда ишлашида ҳам ички бир ҳикмат бор. Ойбек асл шеърларида ҳамиша ўзини, ўз кўнглини излайди. У бундай ўринларда муаммони қофияга солмайди, шеърнинг техник жиҳатларига ортиқча эътибор қаратмайди. Шоир қофиядан мусиқа чиқармайди, балки туйғунинг мусиқасини тутиб, уни ўқувчига юқтиришга уринади:

***Ҳамдардимди кичик соз***
***Кездим мен ёппа-ёлғиз:***
***Атрофда йўқди овоз,***
***Борлиқ ухларди ғамсиз.***

Шеърдаги "ҳамдардимди", "йўқди" сўзларида "эди" тўлиқсиз феълининг "ди" шаклида ўзидан олдинги сўзга қўшилиб келиши асарга маҳзун кайфият бахшида этиш билан бирга яқин кишисига кўнгил дардларини айтаётган одам ҳолатини ҳам ифода этган. Шоир паноҳ тортган, таскин топмоқчи бўлган таянч ҳам ночор — "кичик соз". Яъни, ушоққина, дардини айтгандан кўра, унинг дардига малҳам бўлиш ўринли туюлгувчи най. Аммо шу кўримсизгина создан чиқаётган ҳасратли ва мунгли нола одамни ёлғизликдан қутқариб, ёлғизликка дучор қилади. Най ёрдамида одам тирикчилик муаммоларини унутиши мумкин. Жонли сўзлашув тилига хос "ёппа-ёлғиз" сўзи шоирнинг ҳам жисмонан, ҳам руҳан ёлғиз эканлигига урғу беради. Шоирнинг ғалаёнга келган кўнгли, эзгин руҳи билан ҳеч кимнинг иши йўқлигини ифодаловчи "Борлиқ ухларди ғамсиз" сатри ёлғизлик даражасини янада кучайтиради. Ойбек ўз дардкашини табиатдан излади. Зеро одам оламни ўз кайфиятига боғлиқ тарзда идрок этади. "Ёмон ҳаво бўлмайди, ёмон кайфият бўлади", деганларидай сув ҳам, оғочлик ҳам, соз ҳам ўз ҳолича ачинишга лойиқ эмас, уларнинг аянч моҳият касб этишига сабаб шоир кайфиятидаги эзгинликдир. Ойбек кайфиятнинг манзараси ҳар қандай ижтимоий муаммодан кўра муҳимроқ, салмоқлироқ, абадийроқ эканини жуда эрта англаб етди. Бунда унинг Кунботиш адабиётидан яхши хабардорлиги ва символистлар таъсирида бўлганлиги муҳим ўрин тутади.

Кўркам адабиётнинг туйғулар, сезимлар, кайфиятлар ўйини эканини эрта англаб етган Ойбек кўрсатишдан кўра им қоқиш, айтишдан кўра ишора қилиш бадиият учун муҳим эканини яхши биларди. Бақирмаган одам ўйлаш имконига эга бўлади. Шунинг учун шоир ижодида умрнинг ўткинчи, ҳаётнинг омонат, инсоннинг ожиз экани акс этган тушкун шеърлар учрайди. Ҳолбуки, "қасд этган қалъасини олмай қўймайдиган" коммунистлар замонида одам баъзан тушкун кайфиятда ҳам бўлиши, йиғлаши, умидсизланиши мумкин эмасди. Кўнглидан айрилган одамда руҳиятга дахлдор ҳеч нарса бўлмайди. Бинобарин, ундай кимса умидсизликка тушмайди. Ўзи, ҳаёти ҳақида ўйлайдиган чинакам одам учун тушкунлик бегона эмас. Шу жиҳатдан Ойбекнинг қуёшга мурожаат тарзида битилган "Сен ғурубнинг олтин қўлларидасен", деб бошланадиган шеъри характерлидир. Шеърда дунёга тамомила ўзга назар билан қарайдиган ҳамда ўзи кўрганларига ўзича маънолар юклай оладиган шоир иқтидори намоён бўлган:

***Сен ғурубнинг олтин қўлларидасен,***
***Табассуминг, қуёш, сўнар оҳиста.***
***Дала ва қирлардан тиниқлик учар.***
***Сувлар ойнасига шом қора суркар,***
***Хаёлнинг мен сокин чўлларидамен.***

Шеърда ихтиёри ғурубда бўлган қуёш ҳолати жуда жонли ва таъсирли манзаралаштирилган. Ғуруб — туннинг кириш пайти. Демак, қуёш тунга таслим бўлаётир. Лекин унинг қўллари зулматга чўммаган, балки "олтин". Қизиғи шундаки, "олтин"лик ғурубнинг эмас, балки оҳиста сўниб бораётган қуёшнинг хоссаси. Дастлабки икки мисрада тасвир мавҳумроқдай. Учинчи сатрда эса у тамомила конкретлик касб этади — "Дала ва қирлардан тиниқлик учар". Зотан, кеч қорайиши билан атроф хиралашади. Буни шоир тўртинчи қаторда янада кучайтириброқ ифода этади: "Сувлар ойнасига шом қора суркар". Ойна ёрқинлик ва ялтироқлик белгиси. "Сувлар ойнаси" эса, улкан ёруғлик ва ялтироқликдир. Аммо шом унга қора суркайди. Худди тутилган қуёшга қараш учун тайёрланадиган қорайтирилган ойна каби. Шоир табиат айнан шундай, ҳолат мен тасвирлагандай, вазият шеърдагидай, деб даъво қилмайди. Балки банд охирида тасвирнинг аниқлигига шубҳаси бордай: "Хаёлнинг мен сокин чўлларидамен", деб қўяди. Хаёлнинг чўли бепоён. Унда адашиб кетиш, саробга йўлиқиш ҳеч гапмас. Шоир ҳеч кимга ҳеч нарсани исботламоқчи эмас. Кўнгил дардини тўкмакда, холос.

Шеърнинг иккинчи бандида шоирнинг дарди янада шахсийлашади ва мавҳумлашади. Ҳолбуки, шахсийлашган дард конкретлашиши керак эди. Лекин шахсий дарднинг илдизи очилмай, ноаниқлигича қолаверади: "...Синади ичимда умиднинг тоси, қалбимни йиртади унинг садоси". Ҳушёр ўқувчи умиднинг тоси нимадан синдийкин деб ўйлай бошлайди. Шоир оламда, одамнинг ўзида рўй бераётган ва изоҳлаб бўлмайдиган нозик ҳодисаю ҳолатларни шу тарзда чизади. Шу ҳолатни туйдириш, шу ҳақда ўйлатишнинг ўзи поэзиядир. Шеърнинг: "Юрамен, оқшомга сингади изим" тарзидаги сўнгги қатори ташийдиган мазмун ўз-ўзидан салмоқ касб этади. Уни ҳар бир ўқувчи ўз эстетик йўналганлиги даражасидан келиб чиқиб, умидидан айрилган одам ҳолати, эзгуликни қўлдан берган шахс кайфияти ва бошқалар тарзида изоҳлаши мумкин. Чинакам шеърда берилган ҳадлар бир хил бўлгани ҳолда ечим кўп бўлади.

Ойбек ижодида юқорида тўхталинганлар каби ва "Тош экан бошим, ҳеч ёрилмади — ёғилди минг тош" сингари турлича талқин этиладиган, демакки, ўқувчиларини ўқишгагина эмас, балки ижод қилишга, яъни асар замиридаги ҳақиқатларни чақишга ундайдиган шеърлар анчагинадир. Шоирнинг сиртдан қараганда жўнгина кўринадиган: "Йўлни қир, далага сол, Гул, лолани тақиб ол, Баҳор чоғи ўйнаб қол, Дилга бўшлиқ тўлмасин" сатрларидаги халқ қўшиқларига ўхшовчи ўйноқи оҳанг, равон ифода, буйруқ шаклидаги "сол, ол, қол" тарзида қофияланган шеърларида ҳам кўнгил ҳолати акс этган. Дилдаги бўшлиқни қувонч эгаллаши керак, чунки дунёдаги ҳеч бир нарсанинг ўрни бўш қолмайди, ўрнига, албатта, бошқа нарса олади. Шу боис, ҳасрат келмасидан бурун дилни шукроналик, қувонч билан тўлдириш керак. "Ҳаёт шеърин сезайлик", дейди шоир ва шеърдан ҳаёт қидириш эмас, балки ҳаётдан шеър излаш, унинг жозибаси, тароватини туйиш, шундан завқланиб яшаш каби сезимларни ифода этади.

**Муҳайё ЙЎЛДОШЕВА,**
**ЎзМУ ўқитувчиси**



## КЕЛАЖАК НАФАСИ

**Ҳаёт гулшанида кўкарар борлиқ,**
**Майсазор томларга суқланар шамол.**
**Изсиз ёғдуларнинг беланчагида**
**Қирларга қайтадан келади баҳор.**

**Гуллар бармоғидан ўпади сабо,**
**Мусаффо кўйлагин кияр субҳидам.**
**Тоғларда ётсираб ўрмалар булут,**
**Адрас адирларда туғилар кўклам.**

**Япроқлар бандидан бўғиб борар вақт,**
**Тириклик — тошларнинг қадим ҳаваси.**
**Тунлар — мозийлардан келган ҳур садо,**
**Тонглар — келажакнинг учқур нафаси.**

## АВГУСТ ТУНИ

**Ёнғоқларнинг тўнин йиртар август туни,**
**Сариқ хатлар кезар ҳовли йўлагида.**
**Саратонда қўли куйган шабболалар**
**Кийиб олар шамолларнинг кўйлагидан.**

**Ҳаволарга бошин урар оқ ғунчалар,**
**Жўяк ҳатлаб ҳеч эринмас теримчи қиз.**

**Олча гулли рўмолининг четларига**
**Уччаноқлар илиб тинмас иримчи қиз.**

**Сувлар тинар, дили тош бу анҳорларнинг**
**Тубларида бахмал кунлар поклар сурур.**
**Сандиғидан олар бўлди камзулини**
**Мезонларнинг ҳидин ичган энам кургур.**

**Сунбулани кўрдим қовун бандларида,**
**Ёз сепларин йиғар адир ўтлоғидан.**
**Боларилар челаклаб нур ташир энди**
**Кишмишларининг тарс ёрилган дудоғидан.**

**Ҳўл кавушда сув сепади келинчаклар,**
**Мезонларнинг йўлин поклаб қилар эъзоз.**
**Онам тиккан кўрпачалар қатидаги**
**Ҳалво каби эриб-эриб боради ёз.**

**Дилшода ҲАЛИМЖОНОВА,**
**Фарғона давлат университети талабаси**

## ҚИЗЛАР

**Шарқираган шалоладай шўх кулгуси,**
**Бу ҳаётга кўрк бергувчи гуллар қизлар.**
**Кимга она, опа, сингил, ёр бўлғуси,**
**Сизни қандай ардоқламай бўлар, қизлар.**

**Табассуму нигоҳда ўт таратасиз,**
**Қарамаган мағрурниям қаратасиз,**
**Гапга нўноқ, содданиям сайратасиз,**
**Сизни қандай ардоқламай бўлар, қизлар.**

**Юзингизга ҳаёлар кўрк бериб турса,**
**Сочингиздан ялпизлар уфуриб турса,**
**Кўрганида юраклар гуп уриб турса,**
**Сизни қандай ардоқламай бўлар, қизлар.**

**Чаманларда булбул билан тиллашасиз,**
**Капалагу сабо билан қувлашасиз,**
**Сўзлаганда баҳорларни улашасиз,**
**Сизни қандай ардоқламай бўлар, қизлар.**

**Офтобдайсиз, сиз бор — яшнар еру осмон,**
**Дил ёқасиз оташ ҳислар солиб шодон,**
**Борингизга шукр деймиз, бўлинг омон,**
**Сизни қандай ардоқламай бўлар, қизлар.**

**Ғарибгина ушбу шеър ҳам сизга тортиқ,**
**Таърифингиз минг мақтовдан эрур ортиқ,**
**Сўз бормиди, шаънингизга тенгу лойиқ,**
**Сизни қандай ардоқламай бўлар, қизлар.**

**Жасур ОҚБЎТАЕВ**

*Жиззах.*

## Гул сукути

**Тунда ташриф буюр, биласан,**
**Гул сукути сочган чиройни.**
**Чангли йўллар кесишувида**
**Бўм-бўш ғурур, чайқалган — ойни.**
**Келгин, англай оларсан балки,**
**Йўлим тушмас қорли изларга.**
**Жимжитликлар яна жамланар,**
**Тилим боғлиқ, етмас сўзларга.**
**Ташрифинг-ла қувонтир, тунда,**
**Сукутингдан таралган сасдай.**
**Йиллар ўтган сари тиниққан**
**Олисдаги овозларингдай.**

**Баҳодир АҲМЕДОВ**

*Тошкент*

Рус тилидан Гўзал БЕГИМ таржимаси.

## Ўзбекистоним — онам

***Нонкўр одам йўлбарсдан ҳам бўлар йиртқич,***
***Ичи қора, золимликка тўлар ғиж-ғиж,***
***Розидирман чопиб ташланг олиб қилич,***
***Ватанни севмоқлик иймондан демасам,***
***Ўзбекистонимни онамдай севмасам.***

***Ҳатто Имом Бухорий гўрда турғай тик,***
***Агар шу юртда авж олса миллатчилик,***
***Бир лаҳзага бўлсин мени қўйманг тирик,***
***Нону тузин ҳалоллаб, оқлаб емасам,***
***Ўзбекистонимни онамдай севмасам.***

***Уч кун ўзга элда яшаб қадрин билдим,***
***Йиғлайвериб беқасам тўним ҳўл қилдим,***
***Қайтгач гўё қайтадан дунёга келдим,***
***Мен ҳам, айтинг, ҳисобланарманми одам?***
***Ўзбекистонимни онамдай севмасам.***

***Кеча-кундуз нуронийлар қилиб сажда,***
***Юрт тинчлигин сўрайдилар чекиб ранжлар,***
***Халқим, сенга сўз берайин шеър авжида —***
***Инсонмасман, халқ олдида ичай қасам,***
***Ўзбекистонимни онамдай севмасам.***

***Султонлар Аллоҳнинг ердаги сояси,***
***Султонлар юртининг емрилмас қояси,***
***Ортиқча ёвнинг кесатиқ, кинояси!***
***Дажжол — иним, иблис эса бўлсин оғам,***
***Ўзбекистонимни онамдай севмасам.***

***Майли дерман осмондаги ой бўлмасам,***
***Қирқта ёри, минг қўйи бор бой бўлмасам,***
***Не қилибди гар сержилва сой бўлмасам,***
***Майли мени, эй Ватанжон, дема болам,***
***Ўзбекистонимни онамдай севмасам.***

***Ренис МИШОЯН***

***Тошкент***

## ҲИКОЯ

# ҒУРУР

Ёши олтмишлардан ошган, гардиши ва ойнаси қалин кўзойнагию сарғайиб кетса ҳам бошидан тушмайдиган Марғилон дўпписи билан қишлоққа таниқли бўлган Тоҳир домла янги ҳангома билан одамларнинг оғзига тушди: унинг тўққиз яшар невараси тўп ўйнатиб, антиқа ҳунарларни кўрсатаётганмиш! Энг қизиғи денг, неварасига Тоҳир домланинг ўзи ўргатаётганмиш! Умрида оёғи тўпга тегмаган одамнинг бу иши кўпларнинг ҳайратини оширди. Қишлоқ гузаридаги қассобхонадан гўшт олаётганда Тоҳир домла: "Энди, укам, бу болалар "зборний" деганини онасини Учқўрғондан кўрсатиб қўйди! Бир мундоқроқ тўп тепадиган, илиги бақувватроғи борми ўзи! Илгари биззи давримизда маҳалламиздаги болалар тепадаги маҳаллага ютқазиб қўйса, кечаси билан ухлолмай, тўлғониб чиқарди! Ўзича бир-икки пинт ўрганиб, ютмагунча қўймасди. Бу йилги ўйинларни кўрдиму мана бу ерим куйиб кетди", — у шундай деб чап кўкрагига уриб қўйибди. "Энди-и, шу десанг, ҳақиқий ўзбекнинг боласини питболист қиламан деб, кенжа неварам билан астойдил шуғулланяпман! Бу бола ўзига иккита чиқадиган қолипда ғишт қуйиб, ўзидан катта аравада тупроқ ташиб ўсяпти. Болапақирга "шу ишни қиласан!", десам ҳаммасини қилади. Ҳа, шунақасидан питболчи чиқади-да, қассоб иним!", деб қилган ишини изоҳлабди. Кейинроқ қишлоқ мактабининг директори, етмишинчи йиллар урфидаги кенг ёқали кўйлагига галстук тақиб, қуёшда анча униқиб, сарғайиб қолган ўрис шляпа кийиб юрадиган Абдураҳмонов домла ҳам собиқ ходимини чоршанбабозорда учратиб қолиб, гапга тутибди. "Ҳа, домла, тинчликми?" "Тинчлик, домла, тинчлик, — Тоҳир домла бозорга олиб тушган қўйининг арқонидан маҳкамроқ тортиб гап бошлабди. — Шу ғурур деган нарса тинчимни бузганига шунақа бўп қолди. Ҳаммасига кўниб кетаверадиган одам ўзбекми? Боксдан чемпион бўлдикми? Бўлдик! Курашдан чемпион чиқдими? Чиқди!.. Чиқмагани шу футбол қолди, домла! Мана, домла, ўзингиз математиксиз, бир ҳисоблаб кўринг-чи. Ўзбекистонда қанча одам бор? Ҳа, ўлманг, йигирма етти миллиондан ошиб қолдик. Энди ўзингиз бир ўйлаб кўринг, шулардан нечтаси ўғил бола? Шунча қоракўзлардан наҳот ўн биттаси мана-мен деб чиқмайди! Чиқади, домла, чиқади! Фақат, мана бу ерида бўлса бўлди! — Тоҳир домла яна чап кўкрагига аста уриб қўйибди. — Агар шу ери жиз этса борми, жонини тикиб ўйнайди!" Унинг гапларидан кўнгли кўтарилган Абдураҳмонов домла: "Мактабда ишлаб юрганида ҳам шунақа идеялари бор эди, боякишнинг!", деб ўйлаб қўйибди.

Кейинги миш-мишлар олдингисидан ҳам ошиб тушди. Энди Тоҳир домла кампири ва ўғилларининг ҳай-ҳайлашига қарамай, уйидаги иккита сигирини ҳам шартта соттириб юборибди. Кампирининг: "Қариганда бу нима қилиқ?", дея берган танбеҳига "Невараларинг ўрнига энди сен ўт юласанми? Энди бу боллар жиддий ишлар билан шуғулланади. Етар, мол-қўй боққани!", деб гапни кесиб берибди. Ўғиллар ҳам бирдан тўнини терс кийиб олган отага лом-мим деёлмай қолишибди.

Мактабдаги физрук — Собир домла эса Тоҳир домланинг қилаётган ишларини кўриб энсасини қотирибди, ҳатто ичида андак ҳасад ҳам уйғонибди. "Физкультурани ўқимаган бола футболни қайдан тушунсин!", деб домлани бир эзиб қўйишни дилига тугибди. Хуллас, Собир домла ўша достон болакай ўқийдиган учинчи синфни тўртинчи синфга қарши қўйиб, футбол ўйнатмоқчи бўпти.

Чоршанба куни чошгоҳдан кейин қишлоқ аҳли майдонга йиғилибди. Майдоннинг бир томони тераксор, иккинчи томони эса кўлмак. Собир домланинг ўзи ҳакам. Тоҳир домла ўйиндан олдин худди тажрибали мураббийдек кўрсатма бера бошлабди. Унга қулоқ солиб турган одамларнинг кулгиси келармиш.

— Энди, ота ўғлим, бисмилло, деб, ўнг оёғиз билан майдонга чиқасиз, — Тоҳир домла тушунтирармиш. — Эй худо, шу ўтирганларнинг олдида юзимни ёруғ қилгин, дейсиз, бўлмасам иложи йўқ. Қўрқмасдан, нимани ўрганган бўлсайиз, уялмасдан ўйнайверасиз, тузукми?

Май қуёшидан янада қорайиб кетган, озғиндан келган, сочлари тақир қилиб олинган Абдулла "хўп!", дегандек бош ирғабди.

Собир домла ҳуштагини чалиб, икки жамоани майдонга тизибди. Ранг-баранг кийимдаги болалар сафланишибди. Шундоқ қилиб, ўйин бошланибди. Ўйин пайтида Тоҳир домла деганини ҳеч ким танимай қолибди. "Ё, пирай! Шу ўзимизнинг домлами?!" деганлар ҳам бўлибди. Эҳтиросу қизиққонликка берилишда Сколарию Моуриньоларни ортда қолдиргудек эмиш. Гўёки ўртага жаҳон кубоги қўйилгандек! "Ҳа, отам! Баракалла!", дея майдон четида у ёқдан-бу ёққа бориб келармиш.

Аввалига мухлислар Тоҳир домланинг антиқа хатти-ҳаракатларини кузатишган бўлса, кейинроқ майдондаги ажабтовур ўйин ҳаммани лол қолдирди. Тоҳир домланинг невараси тўп билан шунақа ҳунарларни кўрсата бошлабдики, асти қўяверасиз! Абдулла калта-калта қадамлар ташлаб, рақибларини бирин-кетин алдаб ўта бошлабди. У атрофини қуршаган беш-олтита рақибга ҳам парво қилмасмиш. Хуллас, ўйин Тоҳир домланинг невараси "бенефиси"га айланиб кетибди. Ўша ўйинни кўрган Абдураҳмонов домла кейинчалик гап-гаштакларда, тўй-у ҳашамларда: "Одам боласи ҳам шунчалик ҳунар кўрсатадими, худди циркдаги артист ўзи!", дейишдан чарчамади.

Одамлар ҳайрат ва таажжубда эдилар. Ҳаммадан ҳам Тоҳир домла терисига сиғмай қувонар, ёш боладек ирғишларди. Қўйиб берса, майдонга югуриб кириб, ўйинга қўшилиб кетгудек эди. Қўйингчи, ўша куни қишлоқ аҳли кўп ғаройиботларни кашф қилибди: футбол мураббийи Тоҳир домла, янги юлдузча Абдуллажон... Ўша оқшом одамлар ёш футболчи ҳақида турли тахминларни гаплашиб, уй-уйларига қайтишибди. Айримлар агар бу бола шу кетишда бўлса узоққа боришини ҳам башорат қилишибди.

Кейинги бозорда Абдураҳмонов домла "янги мураббий"ни учратиб, ишнинг сирини сўрабди. Тоҳир домла бояги машҳур дўпписини қўлига олиб, бошини қашлаб гап бошлабди.

— Энди, домла, ўзиздан қолар гап йўқ. Ўзиз ҳам жаҳон чемпионати бошланса, телевизорнинг тагига ётволасиз. Сериал-периал деган нарсанинг номи ўчади. Бир эслаб кўринг, футболни қандай ўйнашади, — Тоҳир домла Абдураҳмоновнинг жавобга оғиз жуфтлаганини кўрса ҳам, ўзи давом этибди. — Биринчи қандоқ қилади? Ҳа, ўлманг! Тўп ошириб, оширолмаса, алдаб-алдаб ўйнайдими? Шундоқ! Хўш, шундоқ экан, биринчи навбатда нима керак? Тўпни сезиш. Неварамизни кўрдизми ўзи? Тўпга чаёндек ёпишади. Уни алдаб кетишларига чидолмайди. Тўпдан ажралгандан кўра ўлиб қўя қолишни маъқул кўради. Уни мана шу ғурур, орият питболист қиляпти. Менинг ҳай-ҳайлашим туяга мадад-да.

**Бахтиёр АБДУҒАФУР,**
**ЎзР ФА Генетика ва ЎЭБ институти илмий ходими**

***Саҳифа Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг Ёшлар билан ишлаш бўлими билан ҳамкорликда тайёрланди.***

О.ГЕНРИ

# ЁЗИЛМАГАН ҲИКОЯ

Мен сизларга ҳикоя қилмоқчи бўлган ушбу воқеа "Тонгги маёқ" газетасида ишлаб юрган пайтларим содир бўлганди. Мен Нью-Йорк кўчалари бўйлаб кезар эканман, йўлимда учраган не ҳодиса борки, ҳикоя қилиб ёзаверардим. Тирикчилигим шунинг орқасидан, газетада доимий штатда бўлмаганим учун маблағ масаласи ҳам ҳаминқадар эди. Оддий кунларнинг бирида иш столим қаршисида Трип пайдо бўлди. У газета чоп этиш бўлимида ишларди. Шунинг учунми ундан доим бўёқ ҳиди келиб турар, бармоқлари ҳам кислота туфайли бужмайиб кетганди. Трип йигирма беш ёшлар чамасида эди, бироқ кўрган одам уни қирқдан нарида деб тахмин қиларди. Уни бирор сурат масаласида келган деб ўйладим. Трипнинг тиканак соқол қоплаган юзи айни пайтда жуда бечораҳол ва аянчли эди. Унинг ҳамма қатори менга ҳам маълум бир одати бор: кўп қарз сўрайди. Трип қўлини столга тираб, инқиллаганча ёнимга ўтирди. Унинг бармоқлари титрарди! Яна ичибди-да.



Бугун бир ҳикоям учун беш доллар қалам ҳақи олгандим. Шу боисдан дунё кўзимга чиройли кўриниб турганди.

— Хўш, Трип? — гап бошладим мен. — Аҳволлар қалай?

**Бадиий таржима**

— Сенда бирор доллар топилмайдими? — унинг аҳволи ҳар кунгидан оғир эди.

— Бор, — дедим. — Очиғи, беш доллар пулим бор. Аммо бунга минг машаққат билан эришганимни ҳам айтишим керак. Айни пулга муҳтож пайтим олдим-да ўзиям...

Мен у пул сўраб улгурмасидан баҳоналаримни қалаштириб ташладим.

— Аслида, қарз олмоқчи эмасдим. — Трипнинг сўзидан дадиллашдим. — Мен сенга яхши бир ҳикоя учун воқеа топиб бермоқчийдим, холос. Бу сенга кўп наф келтиради, ишонавер. У жуда қизиқ! Бироқ бу фикр сенга бир неча долларга тушади.

— Хўш, қанақа фикрлар экан, айт-чи?

— Айтаман, — давом этди Трип, — бир қиз... гўзал! Ҳеч қачон бундай ҳурлиқони учратмагансан. У бир гул! Йигирма ёшда. Шу ёшига қадар қишлоғидан чиқмаган, умрида Нью-Йоркни кўрмаган! Мен уни 34-кўчада учратиб қолдим. У дунёдаги энг чиройли қиз, ишонавер. Қисқаси, у мени ўша кўчада тўхтатиб, Жорж Браун исмли кимсани қаердан топиш мумкинлигини сўради. Ишонаяпсанми, шундай катта шаҳардан Жорж исмли одамни топиб беришимни сўради! Бу хақда нима дейиш мумкин, ахир? Мен қиз билан суҳбатлашдим. У келаси ҳафтада Хирам Додд исмли фермерга турмушга чиқаётган экан. Бироқ у илк муҳаббатини унутолмапти — Жорж Браунни. Жорж анча йил бурун қишлоқни ташлаб, шаҳарга ўз бахтини излаб кетган экан. Кейин эса қишлоққа қайтмапти. Қиз уни кута-кута ахийри Хирамга розилик берипти. Бир неча кун олдин эса Ада, ҳа-я, қизнинг исми Ада Ловери экан, поездга ўтирибдию Жоржни излаб Нью-Йоркка йўл олибди. Мен қизни катта шаҳарда ёлғиз қолдиролмадим. Билишимча, у шаҳарга келаману истаган одамдан Жоржни сўраб топиб оламан, деб ўйлаган. Унинг қандай болафеъллигини тушуняпсанми? Беғубор гўдак у! Сен уни кўрмасанг бўлмайди. Менинг қўлимдан нимаям келарди? Қисқаси, қизни тўғри ижара уйимга олиб бордим ва ўзим у ерни тарк этдим. Биз унинг бир кунлик ижара хақи учун бир доллар тўлашимиз керак. Юр, сени у ерга олиб борай...

Менинг асабим бузилди.

— Нималар деяпсан, Трип? Мен бирор муҳим мақолами, дебман. Ҳар куни поезд шаҳарга юзлаб қизларни олиб келади! Мен бундан қанақа ҳикоя ёзишим мумкин, ахир?

— Шундай қизиқарли нарсани кўра олмаётганингдан афсусдаман. Сен гўзаллик ва муҳаббат ҳақида ёзишинг мумкин, тушунсанг-чи? Ишончим комил, сен бунинг учун ўн беш доллар оласан. Бу эса сенга атиги тўрт долларга тушади.

— Нега энди тўрт доллар? — ажабландим мен.

— Бир доллари хона учун, икки доллари эса қизнинг қайтиш чиптаси учун.

— Яна бири-чи?

— Менга-да. Виски учун. Норози бўлма...

Мен жавоб бермадим, ўз ишим билан машғул бўлгандай қоғозларимга тикилдим.

— Сен тушунмадинг, — Трип ҳам бўш келмасди. — Қиз уйига қайтиши шарт! Бугуноқ! Бунинг учун ҳамма нарсага тайёрман. Мен бу ҳақда бирор нима ёзиб пул ишлаб оларсан, дегандим. Лекин аслида менга ёзасанми-йўқми, барибир. Нима бўлгандаям, қиз қоронғу тушмасдан уйига қайтиши керак!

Бу гаплардан сўнг қизга ачина бошладим. Қизга уч доллар сарфлашга розиман, бироқ Трипга бир чақа ҳам бермайман. Мен оғриниб палто ва шляпамни қўлимга олдим.

У ерга ярим соатда етиб бордик. Трип эшик қўнғироғини босаркан, "Менга тез бир долларни бер", деди шошилиб. Эшикни бир аёл очди. Трип индамай унга пулни узатди. Аёл ҳам жимгина бизни ичкарига бошлади. Кейин бизга ўгирилиб, "У умумий хонада ўтирибди", деди.

Нимқоронғу хонага киргач, кўзим йиғлаб ўтирган қизга тушди. Ҳа, у чиндан ҳам гўзал эди. Йиғлаганида янаям чиройли кўринар, биллур ёш томчилари унинг кўзларида нақш каби товланарди.

— Ловери хоним, бу менинг дўстим жаноб Калмерс, — деди Трип. Мен кўриниши афтодаҳол бу одамга "дўстлигим"дан бироз хижолат бўлдим. — У ақлли ва ишбилармон одам. Газетада ишлайди... Ҳа, сизга албатта ёрдами тегади. Ишонаверинг, хоним, у тўғри йўлни кўрсатади.

— Ловери хоним... — мен нима дейишни билмай бироз жим қолдим. — Агар сизга ёрдамим тегса, жуда хурсанд бўлардим. Аввал сиз менга ҳаммасини батафсил гапириб беринг...

— Нью-Йоркка биринчи келишим, — гап бошлади қиз. — Бу ерни бунчалик катта деб ўйламагандим. Бу ерда жаноб... жаноб Флиппни учратдим ва бир дўстим ҳақида сўрадим. У эса мени шу ерга олиб келиб, кутишимни тайинлади.

— Ловери хоним, — гапга аралашди Трип, — мен йўлда жаноб Калмерсга барини тушунтирдим.

— Ҳа, албатта, — деди Ада. — Менинг айтадиган гапим ҳам йўқ, фақат бир гап: мен Хирам Доддга келаси пайшанбада турмушга чиқаяпман. Унинг қишлоқда икки юз акр ери ва катта фермаси бор. Бугун эрталаб онамга дугонам Сюзиникига кетаяпман, дегандим. Бу ёлғон эди... Поездга чиқдиму келавердим, кейин жаноб Флиппдан Жоржни сўрадим.

— Ловери хоним, — Трип қизга қаради, — сиз Хирамни ёқтиришингизни, Хирам ҳам сизни жуда севишини айтгандингиз-а?

— Албатта ёқтираман. У яхши одам. Умуман, ҳамма одамлар яхши, уларни яхши кўраман. Лекин... лекин мен ўтган тундан бери Жорж ҳақида ўйлай бошладим. Мен... — қиз яна йиғлаб юборди. Мен унга керакли ёрдамни беролмаслигимдан ўкиндим. Чунки мен на Жоржни, на Хирамни танир эдим. Қиз давом этди: — Биз Жорж билан бир-биримизни ёқтирардик, ўшанда у саккиз, мен эса беш ёшда эдим. Жорж ўн тўққизга тўлганида, яъни олти йил олдин қишлоқни тарк этди. У шаҳарга келиб полициячи ёки темирйўл бошлиғи, умуман бирон касб эгаси бўлмоқчийди. Сен учун албатта қайтаман, дея ваъда берганди. Бироқ шу кетганича у ҳақда бирор хабар эшитмадим. Мен уни севардим.

Қиз яна йиғлай бошлаганди, Трип уни тўхтатиб менга юзланди.

— Жаноб Калмерс, ҳозир Ада учун энг тўғри йўл қандай?

— Ловери хоним, — гап бошладим мен. — Ҳаёт йўли мураккаб... ҳаммамиз учун ҳам. Бу дунёда камдан-кам инсонлар ўз муҳаббатига эришадилар. Сиз Хирамни яхши инсон, дедингиз. Ишончим комилки, унга турмушга чиқиб, албатта бахтли бўласиз.

— Ҳа, — деди Ада, — Жоржни бу аҳволда тополмас эканман. Мен тўйим яқинлашган сари у ҳақида кўпроқ ўйлай бошладим. Жоржнинг ҳаётида бирор бахтсиз ҳодиса юз берган бўлса керак, акс ҳолда албатта хат ёзарди. Қишлоқдан кетишидан олдин биз битта тангани болғача билан ўртасидан бўлгандик. Иккимиз ҳам доимо қалбан содиқликка ва яримта тангани то учрашмагунимизча асраб-авайлашга келишиб қасам ичгандик.

Трип негадир кулди. Мен унинг виски учунгина қизга ёрдам бераётганидан афсус чекдим.

— Оҳ, — деди Трип, — йигитлар шунақа, шаҳарга келиб ўз ёрларини унутадилар. Менимча, у бошқа бир қизни топган ёки ичкиликка берилган. Сиз Калмерсга қулоқ солинг ва уйингизга қайтинг. Шунда ҳаммаси изига тушади.

Қиз ахийри уйга кетадиган бўлди. Учаламиз вокзал томон йўл олдик. Унинг қишлоғигача чипта нархи бир доллару саксон цент экан. Мен чиптага қўшиб бир дона қизил атиргул ҳам сотиб олдим. Биз хайрлашдик.

Ниҳоят бари ортда қолди. Мен Трипга қарадим. У янада чўкиб қолганди.

— Сен бу ҳақда бирор ҳикоя ёзоласанми? — сўради у.

— Бир сатр ҳам...

— Узр, ёзолмасанг ҳам пулингни сарфладик.

— Буни унутайлик. Бироқ сенга виски учун пул беролмайман.

Трип палтосининг тугмасини бўшатиб чўнтагидан даструмол чиқарди. Шу пайт унинг ички чўнтагига осилган занжирнинг жаранги эътиборимни тортди. Бир неча сония ичида мен илғаган нарса шу бўлди: занжирда яримта танга осилиб турарди. Ҳа, болғача билан бўлинган танга!

— Ахир... — дедим ҳайратланиб.

— Ҳа, — оҳиста жавоб берди у. — Жорж Браун. Ҳозир эса оддийгина Трип...

Мен чўнтагимдан бир доллар олдим ва Трипнинг қўлига тутқаздим...

**Инглиз тилидан Жаҳон тиллари университети талабаси Нодирабегим ИБРОҲИМОВА таржимаси**

# АСРОР – СИРЛАР ОЛАМИ...

Икки оғиз дил сўзи

Бу тўғрида кўп гапиришган. Кўп ёзилган.

Қадим-қадимдан туғилган болага исм қўйилиши тантаналими, муқаддасми, саналган. Бир пайтлар ота-боболар исм қўйиш олдидан тайёргарлик кўриб, ибодат-илтижолар қилганлар ёки жамоа оқсоқолини чақириб, ундан исм қўйиб беришини сўраганлар. Қариндош-уруғлар кенгашиб, маълум қарорга келиши ҳолати ҳам бўлган. Бу одат яқин-яқингача бор эди. Ўтган асрнинг биринчи ярмида оталаримиз китоб очиб исм қўйишарди... Бизда энг қадим исмлар деярли йўқолиб кетган. Исм – давр кўзгуси, халқимиз бошидан кечган бутун тарих исмларимизда муҳрланиб келган ва ҳамон муҳрланиб келади. Ҳаёт ўзгариши давомида, бир қисм сақланган эски исмлар билан ёнма-ён, бир қисм янги исмлар бунёд бўлиб бораверади.

Ҳар гал Асрор тўғрисида ўйлаганимда, шу гаплар беихтиёр хаёлимдан ўтади. Бу балки, ҳар қандай исм кишида маълум таассурот уйғотгани учундир? Балки, бунинг шахсий жиҳати бор, катта боболаримдан бирининг исми Асрор Хўжа бўлгани-ю, бу исм яқин-узоқ ўтмишни ёдимга солгани учундир? Балки, мен эслаётган Асрор болаликдан ўз исми билан бирга, санъатни сирлар олами, деб тушунгани, ярим асрдан ортиқ вақтдан буён санъатга фидойилик билан хизмат қилиб келаётгани учундир? Балки...

Тошкенбоев деган исми шариф ҳам биз учун қадрли, ўзи бир тарих эканлиги!

Қандай бўлмасин, Асрор Тошкенбоев — қирқ йиллик биродарим. Мен уни ўтган аср минг тўққиз юз олтмиш еттинчи йил бошланиш кунлари илк бора театр саҳнасида кўрганман.

Ўшандан жилла бурун Самарқанд вилоят драма театри Бразилия драматурги Г.Фигейредонинг "Бадбашара" ("Эзоп") асари бўйича спектакл тайёрлаган. Бизнинг авлодимиз вакиллари яхши эслашади, вилоят театри бу асарга мурожаат қилганида ҳали Эзоп тўғрисида Калягин суратга тушган филм ҳам йўқ, масал оламининг пири ҳаётига бағишланган бу ёки бошқа бирон асар билан томошабинлар таниш ҳам эмасди. Яна эслаш мумкин, ўшанда Танаберди Қурбонов Эзоп ролини бажариб, юлдуз бўлиб чақнаган эди... Қисқаси, театр мана шу спектаклни Тошкентга олиб келиб намойиш этган ва каминага тасодифан уни кўриш буюрган эди. Спектаклда Асрор Агностос образини яратган, ўша пайтда газеталар у ҳақда: "Образ усталик билан яратилган, ролни ижро этган истеъдодли артист қаҳрамоннинг ўзига хос характерини, фикр-туйғуларини очишда ифодали воситалар топа олган" деб илиқ баҳо бериб ёзишган эди.



Бу пайтга қадар Асрор ҳаётда "анча масофа" кечганди. У икки ёшга тўлиб-тўлмаган кунлар... Ойиси Моҳинисо опа уйда "қўли косов, сочи супурги" ҳолида қолган, отаси — қора меҳнат кишиси Ғозибой ака урушга кетиб, нобуд бўлган эди. Болаликдан айрилиқ, машаққат, баёнсиз оғир изтироблар гирдобига тушган Асрор ҳаётнинг шафқатсизлиги, номардлиги, барча етишмовчиликларни енгган, тўғрироғи, унинг исми-ю жисми-жонига айланиб келган Сирлар олами Асрорни гирдоб тубидан юзага олиб чиққан эди! У мактабдаги ва шаҳар ўқувчилар саройидаги драма тўгаракларида қатнашиб, шу паллада саҳнага дастлабки қадамини қўйганди. Мактабни битиргач, театр институтига ўқишга кирган, улкан санъаткор Тошхўжа Хўжаев раҳбарлик қилган курсда таълим олган ва ниҳоят, Тошкентдан Самарқандга ишга келган эди... "Эзоп" спектакли Асрор учун санъатга биринчи жиддий қадам бўлиш билан бирга, яна бир жиҳатдан унинг ҳаётида белгили. Асрор шу спектаклда Клея ролини бажарган таниқли актриса Ноила Тошкенбоева билан танишган ва улар оила қуришган эди (буни ёзиб ўтирмас эдим-ку, санъаткорлар даврасида баъзан "оила бузилишлари" ҳам учраб туради, улар эса қарийб ярим асрдан буён аҳил ҳаёт кечиришади).

Гапдан бироз чалғидимми-кан? Ҳикоя қилинаётган воқеадан тўрт-беш йил ўтгач, Асрор билан яқиндан танишиб дўстлашганмиз. Тақдир тақозоси билан етмишинчи йиллар Ёшлар театрида салгина муддат адабий маслаҳатчи бўлганман. Асрор Тошкенбоев энди шу театрда хизмат қиларди (ҳаётининг кўп йили шу ва сатира театри фаолияти билан боғлиқ). Камина ишлаган даврда, Ўзбекистон халқ артисти Бахтиёр Ихтиёров режиссёрлигида саҳнага олиб чиқилган "Отилмаган ўқ", "Отасининг қизи", "Капалаклар ўйини" сингари спектаклларда Асрор ижро этган ролларни тайёрланиш жараёнидан тортиб неча марталаб томоша қилганман. Буларнинг барида у ўзининг образ яратишда тажрибали ва моҳир эканлигини кўрсатган. Дарвоқе, Самарқанд драма театридан кейин бу театрда саҳнага қўйилган "Эзоп" спектаклида Асрор бош қаҳрамонлардан бири – Ксанф образини яратган.

У саҳнада ва кинода заҳматкаш ва доимо изланувчан бир актёр сифатида етмиш йиллик умрининг эллик йилдан кўпроқ даври давомида ўнлаб бир-бирига ўхшамаган ролларни бажаради. Мен уларни санаб ўтирмайман, бу театршунослар ва киношунослар, қолаверса, маданият соҳасида хизмат қилганларнинг иши. Камтар, самимий инсонга, санъаткорга фақат меҳримни изҳор этгим ва ўйлаганларимни севимли газетамиз ўқувчилари билан шунчаки ўртоқлашгим келди...

**Омон МУХТОР,**
**Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби,**
**Давлат мукофоти лауреати**

# «СОҒИНЧ СОҲИЛИ»НИНГ СОҒИНЧИ...

Инсон руҳиятини тадқиқ қилиш борасида гап кетганда кинорежиссёр Собир Назармуҳамедовнинг ижодий фаолияти кўз олдимга келади. "Тушларимда ғамгин йиғлайман", "Бир мавсумли даҳо", "Ёлғиз ёдгорим", "Чаёнгул" каби филмлар режиссёрнинг ўзига хос услубини намоён этган бўлса, "Соғинч соҳили" картинаси эса инсоннинг тафаккур сарҳадларини кенгайтиришга хизмат қилади. "Соғинч дарёси шунчалик тез оқадики, дийдор деб аталмиш нариги соҳилга ўтолмайман", дейди асар қаҳрамонларидан бири Абдулҳаким.

Бахтсиз ҳодиса туфайли ногирон бўлиб қолган Абдулҳаким Жонназаров тақдири режиссёрни таъсирлантиради. Ота-онасини азоблардан қутқариш мақсадида қишлоғини тарк этган Абдулҳакимнинг ўзига хос дунёси санъаткорга филм яратиш учун туртки беради.

«Бу ролга Абдулҳакимнинг ўзини таклиф қилмоқчи эдим. Аммо, баъзи сабабларга кўра, ролни актёрлар ўйнади. Шундай бўлса-да, қаҳрамонимга шу йигитнинг исмини қўйганман. Филмда фойдаланилган шеърлар ҳам айнан унга тегишли... Тафаккур учун ишланаётган филмларда шошилиш керак эмас. Фикрни салмоқли ғояга йўналтириш лозим, гарчи асар уч йилда суратга олинган бўлса ҳам, унинг сценарийси устида олти-етти йил ишладим», — дейди режиссёр. Шунга қарамай, режиссёр фақат биргина Абдулҳакимнинг тақдири билан кифояланиб қолмайди.

Экранда дастлаб хазонга айланаётган япроқлар, сўнг бир маромда оҳиста айланаётган аравача ғилдираклари пайдо бўлади. У тўғри йўлдан бурилиб, эгри-бугри йўлаклар томон йўналиб кетади. Соҳил бўйига етгачгина тўхтайди.

Мана шу кичик саҳнанинг ўзи режиссёр мақсади — инсон босиб ўтиши керак бўлган чигал йўлларни аниқ ифодалайди. Айнан шу манзарага киноасар интиҳосида ҳам дуч келамиз. Бу билан режиссёр томошабинни филм воқеаларига олиб кириб, унда кайфият уйғотишни кўзлаган. Воқеа билан ҳамоҳангликда кадр ортидан ўқилган шеър (ёлғиз инсон соғинчи) қаҳрамон изтироблари билан таништиради. Бундан биз бу қисм филмнинг ғоявий пафосини ўзида жамлаганлигини англаймиз.

Аравача соҳил бўйига етгач, нариги қирғоқда... туман орасидан ёлғиз бир дарахт кўринади. Табиийки, бу кинообраз рамзий маънога эга: умрнинг барча босқичлари — туғилиш, ўсиш, сўлиш ва ўлимни ифодалайди... Бироқ дарахтнинг қайта-қайта кўрсатилиши инсоннинг ёлғизлигига ишора.

Инсон руҳияти унинг ўзи учун ҳалигача жумбоқ. На постмодернизм босқичига етиб борган санъат, на кекса ва донишманд фалсафа уни талқин қилишда бирор тўхтамга кела олди... Шунга қарамай, инсон ҳаёти манзараларига доир фикрлар баҳси тўхтамайди. Ушбу филмда ҳам бу борадаги изланишларнинг ўзига хос талқинини кўриш мумкин.

Воқеа руҳий хасталикка чалинган беморлар пансионатида кечади. Аспирант йигит Музаффар илмий иши ҳимояси учун пансионатга келяпти (тугун тугилди), аслида томошабин учун унинг автобусдан тушишию хонага кириб, директор билан учрашувига қадар кимлиги номаълум бўлиб туради.

Воқеалар Музаффарнинг кўз ўнгида содир бўлади. Биз ҳам филм муҳитига Музаффар билан бирга кириб борамиз. У эндигина ўзига ажратилган хонага кирганда тўсатдан эшик тақиллайди. Ташқарига чиқиб, у ерда ҳеч кимни кўрмагач, ҳайрон бўлиб турганда, кутилмаганда пакана одамнинг эшик ортидан югуриб чиқиши Музаффар билан бирга томошабинни ҳам чўчитиб юборади. Пакана (Алишер Отабоев)нинг "Овқатга тушинг, ҳамма кутиб қолди" деган таклифни айтиши ва ўз қувончини шу тарзда изҳор қилиши руҳий хаста кишилар дунёсини таниш учун бизга дастлабки йўлланмани ўтайди. Музаффар бу ерда бир йил яшайди. Дастлаб, унинг руҳий хаста одамлар "олам"ига кўникиши қийин кечади. Лекин кўп вақт ўтмай уларнинг изтироблари, қувончу ташвишларига шерик бўлади ва улар билан яшай бошлайди. Ҳар бир образнинг ички дунёси бир-бирини такрорламайдиган характер топилмалари билан очилган. Чунки Михаил Давидович (Эркин Комилов) айтганидек, "уларнинг ҳар бири ўз дўзахига эга". Ҳар йили маълум бир санага келганда Султонхўжанинг жонига қасд қилишга уриниши, томга чиққан ойпараст Раънонинг тушиш учун орқага йўл тополмай гандираклаши, Обид — Қирол Лир (Обид Юнусов)нинг саҳнавий монологлари, Жорик-операнинг изтироблари... буларнинг барчаси ҳар бир персонаж ўтмишидан хабар беради. Режиссёрнинг



маҳорати шундай хулоса чиқаришимизга асос бўляпти. Сиз улар орасида турли миллат вакилларини кўрасиз: Муҳаммад Исо, Садрхўжа, Любаша, Цзю, Шура... Режиссёр талқинига кўра, соғинч инсоният ўз ҳаёти давомида дуч келадиган буюк туйғу.

Ижодкор аҳли ҳамиша одамзотни мукаммал кўришни орзу қилади. Бу эзгу армон «Соғинч соҳили»да ҳам акс этган ва у айнан қаҳрамон нутқида ҳадди аълосига етади: «Бу ер бошқа дунё... ҳамма тенг, бир-бирининг устидан кулмайди. Дилини оғритмайди!". Муаллифнинг кино тилига кўчган ҳақиқати шундай: «Соғинч соҳили» — инсон тинч ҳаёт кечириши мумкин бўлган осуда макон...

Филмга машҳур поляк композитори Фридрих Шопен мусиқаларининг танлангани бежиз эмас. Негаки, композиторнинг бутун ҳаёти оғриғу изтироблар билан ўтган. Кун сайин танни емираётган хасталик ва юрт соғинчи — бу оғир ҳиссиётларнинг барчаси "оҳанглар шоири"нинг ижодига, хусусан, 72-сонатага муҳрланган... Актёр Муҳаммад Исонинг пианино чалаётган саҳнасини эслаймиз. У фақат мусиқа садолари остида ўзини хотиржам ҳис қилади ва шу тариқа изтиробларига таскин қидиради. У билан бирга 72-сонатани тинглаган томошабин ҳам нафақат Шопен, балки инсониятнинг оғриқли дардини ҳис қила бошлайди. Англаймизки, мусиқа садолари филм ғоясига ҳамоҳанг.

Бадиий сюжетларда "телба" образини қолипга тушмайдиган саркаш қиёфада кўрамиз. Бунинг учун биргина Достоевскийнинг "Телба"сини эслаш кифоя. Ижодкор шаффоф тийнатни ер билан ҳамнафас яшайдиган одатдаги ақлли кишилар орасидан эмас, зоҳирий ва ботиний дунёси бир хил бўлган "телба"лардан излайди. Филмда ҳам бу анъана давом этган. Пансионатдаги беморлар ақли расолар каби жиддий мавзулар устида мулоҳаза юрита олмасликлари мумкин. Аммо... Любашанинг совуқда қолган Муҳаммад Исога ҳаллослаганча иссиқ ёпинчиқ олиб бориб беришини кўз ўнгингизга келтиринг... Мана шу биргина эпизоднинг ўзида меҳр-муҳаббат, аҳиллик каби олий қадриятлар мужассам.

Қаҳрамонлар кайфиятига мослаб ремаркалар (пейзаж ва фасллар) ҳам тез-тез алмашиниб туради. Фасллар алмашинуви одатий ҳол. Лекин кадрлар орасига ремаркалар «атайин» жойлаштирилган. Музаффар пансионатга кузда келади, унинг руҳий беморлар дунёсига кўникиши, яъни ўз-ўзи билан курашиши ҳам шу фаслда бошланди. Қалбдаги совуқлик, иккиланишлар билан қишни қарши олади. Шу тариқа барча руҳий синовлардан ўтиб боради, бу кайфият баҳор манзаралари орқали «жонлантирилган».

Улуғбек Музаффаров, Эркин Комилов, Илмира Раҳимжонова, Бернар Назармуҳамедов, Обид Юнусов ва Валижон Шамсиев каби актёрларнинг бетакрор ижроси филм руҳиятини очиб берган.

"Соғинч соҳили"да беморларнинг барчаси невротик деб номланувчи хасталик турига мансуб. Муаллиф шу жиҳатдан ҳам фан тилидан узоқлашмайдиган сюжет танлаган. Чунки уларнинг ҳар бири қандайдир қобилиятга эга: Гули — рассом, Обид қирол — актёр, Парвона — коллекционер, Цзю — ажойиб қилич ишлатиш истеъдодига эга, Муҳаммад Исо — тилни ва мусиқани бехато билади, Раъно — раққоса...

Нариги соҳилда ҳордиқ учун келган дўстлар дийдорлашуви кўрсатиляпти... Улар ўртасида тезоқар дарё бор... Биз икки қирғоқни Дийдор ва Соғинч деб атаймиз... Дийдор кўзда яшайди, Соғинч юракда...

Нариги соҳилда ўйнаб юрган болалар қўлидаги пуфак учиб келиб дарахт шохларига қўнди... Дарахт остида эса бутун вужуди титраганча Абдулҳаким турарди. Бу манзарага режиссёр ўзининг ҳаёт ҳақидаги хулосаларини сингдирган.

Музаффар кетишга чоғланяпти. Автобус йўлига чиққанда ҳам у ўзи билан ўзи курашаётган эди: ё кетиш, ё қолиш?.. Автобус келди. Ундан қизини етаклаб тушган бир аёл "Саховат" қаердалигини сўрайди... Ногирон боласи қўлидан тутган аёлнинг биргина шу саволи орқага қайтиш учун етарли эди...

**Шоҳсанам ХИДИРОВА**

Диққат: янги томоша

# "ЎЗБЕК АКТЁРЛАРИГА ҲАВАСИМ КЕЛАДИ"

Ўзбекистоннинг "театр харитаси"га назар солсак, сўнгги ўн тўққиз йил давомида Ёшлар театри жамоаси умумжаҳон театр оқимига дадил кириб борганлигини кўрамиз. Театр ва унинг бадиий раҳбари, Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби Наби Абдураҳмонов мустақиллик шарофати билан Россия, Украина, Латвия, Исроил, Франция, Буюк Британия, АҚШ, Миср Араб Республикаси ва яна бир қанча мамлакатлар театрлари билан ижодий алоқа боғлаб, янги-янги лойиҳалар асосида халқаро театр фестивали ва танловларида, илмий симпозиум ва анжуманларда иштирок этиб келмоқда.

Бугун кечқурун Ёшлар театри саҳнасида узоқ Грециядан меҳмон бўлиб келган машҳур актёр Геннадий Пачис Наби Абдураҳмонов саҳналаштирган Мольернинг "Тартюф" асарида рол ижро этиб, ўз маҳоратини ўзбекистонлик театр мухлисларига намойиш этади.

"Умумжаҳон театр санъатининг юзага келишида қадимги ўзбек ва юнон театрларининг ўрни беқиёс, — дейди Геннадий Пачис. — Эрамиздан аввалги V — IV асрларда шаклланган бу икки халқ театри негизида қандайдир ўхшашлик, яхлитлик бор. Балки шунинг учун ҳам асрлар давомида "Шоҳ Эдип", "Орестея", "Антигона" ва "Медея" асарлари ўзбек театр саҳнасида доимо машҳур актёрлар ижросида ўйнаб келинган. Биз эса Ёшлар театри режиссёри билан Мольернинг "Тартюф" асарида ана шу бирликни мустаҳкамлашга ҳаракат қилмоқдамиз. Шуни айтишим керакки, мен кўп хорижий театрлар билан ҳамкорлик қилиб тураман. Бу гал Тошкентга келиб шуни билдимки, замонавий ўзбек театри ютуқларидан кўп нарсани ўрганса бўлар экан. Бу эса ўз ўрнида Ўзбекистон раҳбарияти театр санъатига катта эътибор бериб, унга доимо ғамхўрлик қилаётганидан далолат. Бундай эътиборни бошқа давлатларда кам учратганман. Ўзбек актёрларига ҳавасим келади...".



Суратда: Н.Абдураҳмонов ва Г.Пачис репетиция жараёнида.

Саҳналаштирилаётган спектакл репетицияларида қатнашиб, кўрдимки, Абдураҳмонов ва Пачис бир-бирларини чуқур ҳис этиб, улуғ Мольернинг бугунги томошабинга айта оладиган сўзи ва ғоясини замонавий услублар асосида кўрсатишга ҳаракат қилмоқдалар.

"Тартюф" спектакли премераси олдидан ўтган матбуот анжуманида В.Гюго номидаги француз маданият маркази раҳбари сўзга чиқиб, Ўзбекистон, Россия ва Франция халқларининг маданий алоқалари йилдан-йилга ривожланиб, мустаҳкамланиб бораётгани, келгусида нафақат Тошкентда, балки вилоят марказларида ҳам бўлиб ўтадиган тадбирлар тўғрисида маълумот бердилар. Режиссёр Н.Абдураҳмонов ўз чиқишида Маданият ва спорт ишлари вазирлиги республикада фаолият кўрсатаётган барча театр жамоаларига, айниқса, Ёшлар театрига ҳар томонлама амалий ёрдам кўрсатиб, бошқа халқлар билан маданий алоқаларни мустаҳкамлашга катта ҳисса қўшаётгани ҳақида гапирди.

— Биз шунга жавобан янги-янги саҳна асарларини яратиб, ёшларнинг тафаккурини, уларнинг маънавий оламини бойитишга ҳаракат қилишимиз лозим, — деди у. — Энг асосийси, фарзандларимиз ҳар томонлама соғлом, баркамол бўлиб вояга етишини истар эканмиз, уларда жаҳонда кечаётган мураккаб ижтимоий жараёнларга, атрофимизда содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга нисбатан онгли муносабатни шакллантиришимиз ниҳоятда зарур. Маданий алоқаларимиз негизида ҳам мана шу фикр асос бўлиб хизмат қилиши керак, деб ўйлайман.

**Аҳмаджон РАҲИМОВ,**
**"Ўзбектеатр" бирлашмаси ахборот бўлими бошлиғи**

# Илмий-амалий анжуман

Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамда Ўзбекистон давлат консерваторияси "Баркамол авлод йили"га бағишлаб, "Ўзбекистон санъатининг оламшумул анъаналари" мавзуида илмий-амалий анжуман ўтказди.

"Мусиқа тарихи ва назарияси, композиторлик ижоди" ҳамда "Санъатлар муштараклиги" деб номланган икки шўъбада иш юритган анжуманда Тошкент маданият институти, Санъат институти, Педагогика университети, консерватория ўқитувчи ва талабалари иштирокида мусиқа, театр ва кино соҳаларидаги анъаналар, мавжуд муаммолар атрофида фикр юритилди.

**Дилноза АСАНОВА**

# МЕВАЛИ ДАРАХТНИНГ ШОХЛАРИ

Китобингизни ўқидим

Сотимбой Турсунбоевнинг "Ўзбек театри сарҳадлари" номли янги китобини мутолаа қилар эканман, санъатшунос олим, тадқиқотчи Сирожиддин Аҳмаднинг қуйидаги сатрларига кўзим тушди: "...Сотимбой Турсунбоевни серҳосил дарахтга ўхшатса сира муболаға бўлмайди..." Сирожиддин акага муқояса қилиб, мақолага ана шундай сарлавҳа қўйдим.

Домла бизга театр санъати институтида чет эл театри тарихидан дарс берарди. У киши Мольернинг "Тартюф" комедияси ҳақида гапираётганида ўзи ҳам ҳаяжонланиб образга кириб кетарди. Агар профессор бўлмаганида дурустгина комик актёр бўлиши мумкин экан, деган ўйга борардик.

Ўнлаб китоблар муаллифи С.Турсунбоев Ўзбекистон матбуотида турли йилларда чоп этилган мақолаларини жамлаб, қарийб 20 босма табоқли сайланма тузибди. "Янги изланишлар" мақоласида шундай сатрлар бор: "...Ёш томошабинлар театри спектакллари моҳир мерган отган ўқ каби бехато нишонга бориб тегиши керак... Ҳар бир театрнинг репертуари биринчи навбатда миллий драматургияга асосланиши зарур".



Юқоридаги фикрлар ҳозир ҳам долзарб. Баъзи мунаққидлар бирон номдор драматургнинг янги асари ҳали саҳна юзини кўриб-кўрмай ошириб-тошириб мақолалар ёзиб, то тақриз чиқмагунча оммавий нашрларнинг остонасига ётиб оладилар. Сотимбой Турсунбоев эса айрим ном қозонган драматургларга ҳам ўз мулоҳазасини тўғри ва холис айтиб, зарур бўлса, матбуотда чиқиш ҳам қилади.

Ярим асрдан ошдики, С.Турсунбоев санъат институтида хорижий саҳна усталари тажрибасидан сабоқ беради. Ўзи ҳам Шарқу Ғарб театри ҳақида беш жилдли китоб нашр қилди. Шунинг учун бўлса керакки, чет эл драматурглари асарлари ўзбек саҳнасида қўйилса, мутахассис сифатида биринчилардан бўлиб мақола ёзади. Бунга телевидениеда намойиш этилган "Маҳобхорат" филми ҳақидаги, немис драматурги Ф.Шиллернинг "Қароқчилар", ҳинд драматурги Калидасанинг "Йўқолган узук" ("Шакунтала") драмалари атрофлича таҳлил этилган мақолаларни мисол келтириш мумкин.

"Ўзбек театри сарҳадлари" китобидан ўндан ортиқ республика ва вилоят театрлари спектаклларига тақризлар, ўзбек театрининг тамал тошини қўйган санъаткорларнинг ижодий портретлари ўрин олган.

Китоб якунида сафдош, касбдош ва мухлисларнинг С.Турсунбоев ҳақидаги мақолалари берилган. Олим Т.Баяндиев: "...мени қувонтирадиган ва унга нисбатан ҳурматимни оширадиган, кўпчилик домлалар ва талабаларни қойил қолдирадиган нарса, орадан шунча йиллар ўтишига қарамай, профессор Сотимбой Турсунбоевда ўша ёшликдаги шоиртабиатлик ва соддалик сақланиб қолган. Уни улуғловчи, ҳурматига ҳурмат қўшувчи фазилати эса ҳалоллиги ва қатъиятлигидир", деб ёзади.

Домламизнинг навбатдаги китобини варақлаб, болаларча табассум билан боқиб турувчи, мураббийларча кузатувчи самимий кўзларнинг сўз билан ифода этиб бўлмайдиган далдасини ҳис этдим. Зотан, сарҳадлар нисбий, илму меҳру муҳаббат, одамлар орасидаги хайрихоҳлик, кўнгил яқинликнинг эса умри узун...

**Тўра МИРЗО,**
**ЎзМУ катта ўқитувчиси**

# ЯХШИЛИКНИНГ ИЛДИЗИ

Хотира

Наманганлик машҳур танбурчи уста Рўзиматхон Исабоев ўғлига яхши ният билан Санъат деб исм қўйганди.

Санъатжон ёшлигидан мусиқага меҳр қўйди, отаси Рўзимат ака қўлидаги танбурдан таралган наволар қалбига жо бўлди, созандалар гурунги завқ бағишлади. Наманган вилоят мусиқали театри Санъатжоннинг иккинчи уйига айланиб қолди. Мактабни битиргандан сўнг мусиқа билим юртида чанг сози бўйича ўқиди. Шу билан бирга, театрда созанда сифатида фаолият кўрсатди. Кейинчалик Наманган педагогика институтининг ўзбек тили ва адабиёти факултетини битирди.

Мусиқа соҳасидаги билимини ошириш ниятида консерваторияда ўқиётган С.Рўзиматов машҳур санъаткор Тамарахоним ансамблида созандалик қилди. Ансамбл билан бирга Индонезия, Ҳиндистон, Афғонистон каби мамлакатларда сафарда бўлиб, унутилмас таассуротлар билан қайтди. Санъаткорлар билан яқиндан танишишга муяссар бўлди. Санъат Рўзиматов Тамарахоним ансамблида ишлар экан, катта ҳаётий тажриба орттирди ва бу кейинчалик унинг телевидениедаги иш фаолиятида ўз самарасини берди. У 1962 йилдан бошлаб телевидениеда мусиқий кўрсатувлар бош муҳарририятини бошқарди. Ўша пайтларда томошабинлар эътиборига ҳавола қилинган ва ҳанузгача санъатсевар кишилар хотирасида сақланиб қолган "Марҳабо, талантлар", "Чашма", "Куйланг, ёш хонандалар" каби телевизион фестивал ҳамда кўрик-танловлар ўзбек миллий ижрочилик санъатида янги номларнинг пайдо бўлишида муҳим аҳамият касб этди.

Ҳаётининг сўнгги йилларида Ўзбекистон радиоси мусиқа муҳарририятида ишлаган Санъат ака "Таниш оҳанглар", "Соз сеҳри", "Санъаткорлар ҳақида ҳикоялар" каби туркум эшиттиришлари билан радиотингловчилар қалбидан ўрин олди. Созанда ва бастакорлар Муҳаммаджон Мирзаев, Ориф Қосимов, Ҳалимжон Жўраев, Маҳмуджон Муҳамедов ва Сайфиддин Йўлдошев каби санъаткорларнинг ижрочилик ва ижодкорлик фазилатларини очиб беришда катта хизмат қилди.

Бир неча йил илгари ижодий сафар чоғида автоҳалокатга учраб, узоқ вақт тўшакда ётиб қолди. Оғир дард билан курашиб, соғайиб, ҳассага таяниб бўлса ҳам, яна радиода мароқли эшиттиришлари ҳаво мавжларида янграётганидан беҳад қувонганлари ҳамон ёдимизда.

Яхшиликнинг илдизи юракда бўлар экан. Одамларга яхшилик қилиб чарчамаган Санъат Рўзиматовнинг ёди ҳам юракдаги яхшилик илдизи билан пайванддир.

**Зулфия ОБИДОВА**

Бошланиши биринчи саҳифада.

# МОЗИЙ ДАРСХОНАСИ

Давлатчилик, шаҳарсозлик ва маданий тараққиёт, ўзаро савдо алоқалари, олди-берди, товар айирбошлаш муносабатлари пайдо бўлади. Музейнинг мазкур бўлимидан Зарафшон паст текислиги (Замонбобо маданияти), Хоразм ва Тошкент вилоятлари (Тозабоғ маданияти), Сополлитепа ва Жарқўрғон шаҳристони қадимшунослик намуналари жой олган. Деҳқончилик тараққиёти "Чуст маданияти" (Наманган вилояти) экспозициясида, айниқса, ёрқин акс эттирилган. Кулолчилик, темир эритиш, тошга ва суякларга ишлов беришга оид осори-атиқалар ўша давр ҳаёти ҳақида аниқ тасаввур беради. Булар орасида икки бошли илон шаклида ишланган, рангли тошлардан зеб берилган тоштумор ғоятда ноёб топилма ҳисобланади.

Бронза даври охири ва илк темир даврига келиб уч катта давлат ташкил топади. Булар Хоразм, Бақтрия, Сўғдиёна давлатлари. Дунёдаги энг қадимий диний таълимот — зардуштийлик ҳамда унинг муқаддас "Авесто" китоби айнан ана шу уч давлат билан узвий боғлиқ ҳолда дунёга келган.

Музей экспозицияларини томоша қиларканман, бир гуруҳ талаба йигит-қизлар қуршовидаги ёшгина музей ходими Феруза Расулованинг сўзлари диққатимни тортди:

— Эътибор қилинг, қадимги массагет қизи ҳайкали. У жангчи кийимида. Кўчманчи қабилалар ҳисобланган саклар, массагетларнинг нафақат йигитлари, балки қизлари ҳам моҳир жангчилар бўлишган. Улар ёшлигидан, уч-тўрт



яшар пайтиданоқ бемалол учқур отларни бошқара олишган. Худди йигитлар каби отда кетаётиб қилич чопишни, камондан отишни яхши билишган. Мабодо йигит уйланмоқчи бўлса, қизни курашда, от чопиш, қиличбозлик, камон отишда енга олиши керак бўлган. Енгса уйланган, енголмаса бир умр унинг асирига айланиб, хизматини жойига қўйишга маҳкум бўлган. Тўмарис ҳақида эшитгансиз. Эри вафот этгач, қабила бошқарувини ўз қўлига олган жасур аёл. У аҳмоний босқинчиларни енгиб, Эрон подшоси Курушнинг бошини қон тўлдирилган мешга солишга буйруқ берган. "Қонхўр эдинг, қонга тўйгин", деган. Спитамен, Широқлар бўлса ўша давр йигитларининг қай даражада фидокор, ватанпарвар бўлгани ҳақида тасаввур беради...

Музей ходими жангчи қизлар ҳақидаги ҳикоясини давом эттириб, талабаларни сак ва массагет қабилаларига оид экспонатлар олдига бошлайди.

— Мана қаранг, мана бу топилмалар жангчи қиз қабридан олинган. Ханжар. камар тўқилари. Шу билан бирга аёллар учун энг зарур буюм бўлган жажжи кўзгу. Бронзадан ясалган. Ип йигирадиган моки. Соч тўғноғичи, узук, сирға. Каноп ва пахта иплари. Булар нимадан дарак беради. Қизлар от чопишда, қиличбозлик, камонбозликда йигитлардан кам бўлишмаган, шу билан бирга аёллик назокатини ҳам унутишмаган, пардоз-андоз қилишган, рўзғор юмушларини чиройли қилиб адо этишган. Манавиндай бронза қозонларда мазали таомлар пиширишган. Ўғил-қизларини тарбиялашган...

* * *

Кумуш тангалар... Милодгача бўлган тўртинчи аср. Уларга Александр Македонский қиёфаси зарбланган...

Гарчи, ўтмиш бўлса-да, бундан йигирма тўрт аср наридаги тарих бўлса-да, юрагингда аламли оғриқ туясан: она юртингда аждодларинг қонини тўккан босқинчининг молиявий сиёсати неча ўн йиллар давомида ҳукм сурган... Жасур Спитамен армони сенинг армонингга айланади, Спитамен алами юрагингни ўртайди...

Аҳмонийларнинг қудратли салтанатини осонгина тиз чўктирган Искандар Мовароуннаҳрда тиш синдирди. Спитамен бир неча юз аскари билан уни довдиратди. Сўғдлар, бақтрияликлар, массагетлар ватан ҳимоячилари ғалабаларидан руҳланиб унга келиб қўшилдилар. Аммо барибир кучлар тенг эмасди. Искандар жангларда пишган, тиш-тирноғи билан қуролланган кўп сонли мунтазам армияга эга эди. Ҳимоячилар эса етарли қурол-аслаҳасиз, ҳарбий тажрибасиз, қурама кўнгиллилардан иборат эди. Искандар ортида дунёда энг юксак тараққиётга эришган қудратли давлат, ижтимоий, сиёсий, мафкуравий барқарор жамият турар, қўзғолончиларда эса бу йўқ эди. Уларнинг юрагида ватанпарварлик туйғуси, босқинчига нисбатан адоқсиз нафрат ҳисси кучли эди. Улар шунга таянарди. Бу таянч ғалабага олиб бориши ҳам мумкин эди, бироқ одатда бўладигандек хоинлик, беқарорлик панд берди. Искандар алдовига учган айрим қабила амалдорлари хоинлик қиладилар... Бундай хоинликлар тарихимизда кейин ҳам (масалан, Бобур Мирзога, кейинчалик Номоз қасоскорга нисбатан) бот-бот учрайдики, бу кишида аламли таассурот пайдо қилади...

Ҳар нима бўлгандаям, ўзини салкам Илоҳ даражасида ҳис қилган Искандар осмондан ерга тушди. Шаҳди сўнди. Кўплаб қудратли давлатларни бир неча ойда бўйсундирган бўлса-да, Марказий Осиё забти учун роса уч йил заҳмат чекди...

* * *

Музей кўргазмалари бўйлаб илгарилайман. Қудратли Кушон давлати ҳукм сурган даврларга оид меъморлик, маданият, санъат, ҳунармандлик ашёлари, ёзувлар... Будданинг тош ҳайкалчаси... Муқаддас Бодхи дарахти остида муқораба ҳолатида ўтирган Будда ва икки ёнида тик турган икки коҳин. Сиртига тилла суви юритилган, "Триада" номли бундай мукаммал асар дунёнинг бошқа бирор ерида учрамас экан. Музей ходимларининг айтишича, Япония, Корея, Хитойдан келган меҳмонлар унинг қаршисида сеҳрланиб, беихтиёр ибодат қилишга тутинишар экан...

* * *

Мелодий бешинчи аср ярмида юзага келиб, ярим асрдан зиёдроқ тарих саҳнасида фаолият юритган Эфталитлар

*Биз киммиз?*

давлати, кейин қудратли Турк ҳоқонлиги... ва бу даврларга оид Болаликтепадан топилган осори-атиқалар. Зардуштий, буддавий динларига дахлдор экспонатлар, қудратли Сўғд давлати (мелодий VI-VII асрлар) маданиятига тегишли Варахша саройи намуналари, Қувадан (Фарғона) топилган ҳайкалчалар... Гал Ислом маданиятига оид осори-атиқаларга етади. "Усмон Қуръони" асл қўлёзмасининг факсимил нашри, Тоҳарийлар, Сомонийлар, Қорахонийлар давлатчилиги, умуман, ўрта аср меъморчилиги, ҳунармандчилиги, илм-фанига алоқадор ноёб экспонатлар, давлатлар ва савдо йўллари хариталари, илмий, адабий асарлар қўлёзмалари намойишга қўйилган.

IX-XII асрлар халқимиз ҳаётидаги ҳақиқий уйғониш даври ҳисобланади. Форобий, Беруний, Фарғоний, Ибн Сино, Ал-Хоразмий, Имом Бухорий, Ҳаким ат-Термизий, Мотурудий, Марғинонийларнинг порлоқ сиймолари мазкур давр экспозициясига файз бағишлаб турибди. Бу файз асрлар оша неча-неча авлодлар қалбини, онг-шуурини нурлантириб келаётир...

* * *

XIII аср йигирманчи йилларида аждодларимиз устига бало-қазо янглиғ ёпирилган муғул босқини оқибатлари акс эттирилган экспозиция... Босқинчидан нима қолади? Албатта, вайрона ва култепалар. Кўплар, ҳатто Муҳаммад Хоразмшоҳнинг ўзиям мўғулни худди македон қўшинидек енгилмас лашкар деб, унга қарши чиқишга ботинмади. Эгасиз халқ пароканда бўлди. Нажмиддин Кубродек пири муршид ёши бир ерга бориб қолганига қарамай садоқатли муридлари билан Урганч ҳимоясида турди. Бундан хабар топган босқинчилар раҳнамоси унга одам юбориб, ўз одамлари билан шаҳардан чиқиб кетиши мумкинлиги, омонлик беришини хабар қилди. Кубро ёғий омонлигини қабул қилмади, душманга қарши курашиб, шаҳид бўлди. Ерга қулаётганида душман яловига чанг солди, байроқни унинг панжалари орасидан суғуриб олишолмади, бармоқларини кесиб, ажратиб олишди. Эгасиз қолган мамлакат халқини бирлаштириш, уни душманга қарши жангга бошлаш учун Жалолиддин Мангуберди, Темур Малик каби ориятли зотлар азму шижоат кўрсатишди. Хусусан, Жалолиддин ўн йилдан ортиқ давр мобайнида Чингизхонни таъқиб этди, унга тинчлик бермади. Қайта-қайта ҳужумлар уюштириб, муғулнинг катта-кичик лашкарларини тор-мор этди.

Бу ҳаракатлар оқибатидан хабардормиз, Жалолиддин сингари қаҳрамонларимиз қисмати қандай тугагани бизга маълум. Унга ачинамиз. Бироқ ёрдам қўлимизни чўзолмаймиз, чунки кечаги кунга қайтиб тарихни ўзгартириш, воқеалар ривожи, оқибатига таъсир этиш имконимиз йўқ. Чунки, ҳар бир давр тарихини ўша давр кишиси яратади. Келажак кишисининг бурчи эса тарих талқинида адолатдан чекинмаслик, ундан тўғри хулоса чиқариш, керакли сабоқни ола билиш... Не бахтки, XX аср сўнггига келиб биз ўз тарихимизни асл ҳолида тиклаш, ўрни-ўрнига қўйиш, холисона талқин этиш имконига эга бўлдик. Маҳобатли кошонанинг мозий дарсхонасига айлантирилишининг ўзи ҳам буюк аждодларимизга бўлган ҳурмат-эҳтиромимизнинг ёрқин ифодаси бўла олади...

Навбатдаги экспозиция томон ошиқаман...

Бир ярим асрлик мўғул истибдоди издан чиқарган мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётини оёққа қўйиш, жафокаш халқ руҳини кўтариш ўттиз тўрт ёшида Мовароуннаҳр тахтига ўтирган соҳибқирон Амир Темур зиммасига тушди.

Чингизий ҳукмдор Чиғатой ўзининг ўн тўрт йиллик (1227-1241 й.) ҳукмронлиги даврида бирорта вайрона бўлган иншоотни, обидани қайта тиклашга йўл қўймади. Самарқанд, Бухоро, Урганч каби илм-фан, маданият марказлари босқин даврида қандай куйга тушган бўлса, шундайлигича ҳувиллаб ётаверди. Мақсад — маҳаллий аҳолини доимий қўрқув ва асоратда асраш, бош кўтаришга йўл қўймаслик эди. Чиғатой авлодлари ҳам ўз оталарининг манфур сиёсатида қатъий турдилар.

Соҳибқирон Амир Темур юртини душмандан халос этиб, тарих саҳнасига чиқар экан, аввало, марказлашган қудратли давлат барпо этишга киришди. Пароканда элатлар бошини қовуштирди. Шаҳар, қишлоқларни обод қилди, мактаб-мадрасалар қурдириб, илм-фан, маданият тараққиётига ҳомийлик қилди.

Бу ўзгаришлар экспозициядаги улкан деворий суратда, "Темур давлати" харитасида, барпо этилган иншоотлар, жумладан, улкан мадраса ва жомеъ масжиди макетида, бошқа жуда кўп осори-атиқаларда ўз аксини топган. Самарқанд астрономия ва математика мактабига асос солган Мирзо Улуғбек, малик ул-калом Алишер Навоий, бобокалони асос солган қудратли давлатни олис Ҳиндистонда давом эттирган Заҳириддин Муҳаммад Бобур фаолиятларига оид кўплаб экспонатлар ҳам мавжудки, булар барчаси темурийлар даври нафақат халқимиз ҳаётига, балки дунё илм-фани, давлатчилиги ривожига нақадар улкан таъсир этганлиги хусусида ёрқин тасаввур беради.

* * *

Экспозициялар кетма-кетлиги бўйлаб қилинган саёҳат олис тарих қаъридан бугунги кунимизга қайтаётгандай бир кайфият уйғотаркан кишида. Темурийлар даври экспозициясидан сўнг шайбоний ҳукмдорлар, кейин уч хонликлар даври бош-бошдоқликлари, бунинг оқибатида эса яна эрксизлик — бир юз ўттиз йил давом этадиган рус мустамлакачилиги, таназзул, йўқотишлар даври кўргазмалари... Ва ниҳоят... бугунги кунимиз. Мустақил давлатчилигимизни қайта тиклаш йўлида, Юртбошимиз раҳнамолигида, сал кам йигирма йилдан бери қадамба қадам, сабот ва матонат билан илгарилаб бораётганимиз ўз аксини топган энг янги тарих экспозицияси...

Тарихни китоблардан, қадим қўлёзмалардан ўқиб ўрганиш ўз йўлига. Аммо,



мана бундай даргоҳларнинг ўрни бўлак. Чунки, музейда олис аждодларнинг бевосита қўли теккан, нафаси теккан, назари тушган ашёларни кўрасан, ўз савиянг, билиминг даражасида улар билан тиллашасан, сўзлашасан, тинглайсан...

Музей том маънода мозий дарсхонаси, сен эса ўқувчисан, талабасан. Бу ердаги ҳар бир экспонат замирида бутун бошли романларга мавзу бергулик тафсилотлар мужассам. Ҳамма гап уларни ўқий олишда, тинглай билишда...

Ватанимиз тарихини аввал бошидан тушиб, бугунги кунимизгача бўлган кўргазмаларни кўздан ўтказиб чиққанимда бир олам таассуротлар олдим, Фурсат ўтказиб, бу даргоҳга қайта бош суқсам, ишонаманки, таассуротларим яна бойийди, тиниқлашади...

Ажаб, тизимлар ўзгараркан, империялар тикланиб, тўзиб кетавераркан. Лекин инсон ақл-заковати, тафаккури тизим ўзгарганига қарамай ўз йўлида ижод қилавераркан, янгилик яратавераркан. Ҳали олов кашф этилмаган, ибтидоий одам мамонтнинг хом гўшти билан кифояланиб юрган замонларда қоя тошларга ўйиб чизилган рангли тасвирлар нимадан далолат беради? Ёки бўлмаса чавандозлик, жанг санъатида йигитларга бўй бермайдиган массагет қизларининг пардоз-андозни унутмагани-чи?.. Эрамиздан аввалги минг йилликларда бронзадан ясалган кўзгучалар дастасининг аёллар шаклига, аёллар соч тўғноғичларининг бош қисми тоғ эчкиларига ўхшатилиши, тақинчоқлар, узук ва сирғалар, сурмадонларнинг ўта нафислиги, эркаклар камарига ишланган "туркий рақкоса" бронза ҳайкалчаси... булар Одам Ато ва Момо Ҳаводан мерос бўлиб келаётган муҳаббат боқийлиги ҳақида, замонлар тўфони аро инсонларнинг севиб-севилиб яшайвериши ҳақида ишқий достонлар сўйламаётганмикин?!.

Ҳа, замонлар ўтаверган, ҳукмдорлар жаҳонгирлик дағдағаси билан шаҳар-қишлоқларни култепага айлантираверган, аммо муҳаббат яшаган. Инсонларнинг бир-бирига, Ватанига бўлган меҳри-муҳаббати яна қайта-қайта тикланишлар, юксалишлар сари юз очаверган, даъват қилаверган.

Пойтахтимиз марказидаги муҳташам саройда жойлашган Ўзбекистон тарихи Давлат музейи — Мозий дарсхонаси кўргазмалари умр ўткинчилиги, мол-дунё, тожу тахт бебақолиги, аммо инсоний меҳр-муҳаббат, эзгулик, яхшилик йўлида қилинган ишлар, саъй-ҳаракатлар унутилмаслиги хусусида азалий ва абадий ҳақиқатни қайта-қайта укдираётгандек туюлади кишига...

**Орзиқул ЭРГАШ**

*Дунё — кенг...*

## ЯНА ҚОР ОДАМ ҲАҚИДА

**Яқинда кемероволик Афанасий Кискорев тошқин пайти дарёда чўкаётган қор одамни қутқариб қолди. Хориж матбуоти эса "қор одам"ларнинг келиб чиқишига доир баҳсларни қизғин давом эттирмоқда. Хусусан, "қор одам" одамсимон маймуннинг одам билан чатиштирилган нусхаси, деб ҳисобловчилар ҳам йўқ эмас. Ҳатто бунинг Сухумидаги машҳур маймун питомниги базасида амалга оширилганига доир маълумотлар ҳам йўқ эмас.**

Абхазия Фанлар академияси экспериментал патология ва даволаш институти директори Зураб Миквабиянинг айтишича, "Роскосмос" билан ҳамкорликда коинотда маймун ва роботларнинг ўзаро муносабатига доир технология бўйича тадқиқот олиб боришга келишилмоқда. Агар бу тадқиқот муваффақиятли чиқса, маймунлар Марс сайёраси томон учирилиши ҳам мумкин экан.

Маълум бўлишича, ўтган асрнинг йигирманчи йиллари профессор Илья Иванов маориф халқ комиссари А. Луначарскийга ёзган мактубида: "Илм-фан манфаати ҳамда табиий-тарихий дунёқараш тарғиботи учун одам ва одамсимон маймунларни чатиштириб кўриш бўйича тадқиқотлар амалга ошириладиган экспедиция харажатлари"га 15 минг доллар сўраган (ўша даврда бу ниҳоятда катта маблағ бўлган).

Олимнинг бу қадар катта кетиши бежиз эмасди. У етук зоолог олим ва Иван Павловнинг шогирди сифатида бунга қадар Аскания-Новадаги қўриқхонада урғочи ҳайвонларни сунъий равишда урчитиш, кийик ва бўғуларни ҳўкиз билан чатиштириш бўйича анча муваффақиятли тадқиқотлар олиб борганди. Аммо олимнинг асосий мақсади бу эмас, у одам ва маймунни чатиштириб кўриш бўйича экспериментларга ўзига хос тайёргарлик эди.

Лениннинг танасидан эсерлар отган ўқни чиқариб олган машҳур жарроҳ Владимир Розанов эса қариб бораётган шўро "доҳий"лари (энг аввало Сталин)ни ёшартириш учун уларга маймунларнинг ички секреция безларини кўчириб ўтказишни таклиф қилади ва шу йўналишдаги тажрибага 50 та маймун сўрайди. Розанов бу борада ҳамкасби Сергей Вороновнинг муваффақиятини такрорлашни умид қилганди. У XIX асрда Францияга бориб, Шаффоф кўрфаздаги "маймунлар қасри", деб аталган ҳашаматли саройларда бадавлат мижозларга маймуннинг жинсий безларини кўчириб ўтказиб, тўқсон фоиз яхши натижага эришган ва машҳур бўлиб кетганди.

Розановнинг бундан ҳам узоқни кўзлаган тадқиқотлари учун горилла, павиана ва шимпанзелар керак бўлиб, уларни фақат Африкадангина топиш мумкин эди. Буни топиш эса Илья Иванов зиммасига тушган. Сухумидаги институтда Фанлар академияси президиумининг у раҳбарлик қилмоқчи бўлган Африка экспедициясига бағишланган йиғилиши баённомаси сақланиб қолган. Ҳамкасблари олимни огоҳлантириб, гориллалар спермаси билан гвинеялик аёлларни ҳомиладор қилиш мақсадидан воз кечишга чақиришган экан. Бугун қайлардадир рўйрост бўлиб қолган воқеа тўқсон йил бурун бежиз кескин мунозарага сабаб бўлмаган кўринади.

1926 йили профессор Илья Иванов бир амаллаб, ҳукуматдан 15 минг доллар (бошқа манбаларга кўра 290 минг) олиб, Москва университетининг тўртинчи босқич талабаси бўлган ўғли Илья билан биргаликда Парижга йўл олади. Кемада ўша чоғдаги Француз Гвинеясига етиб олгач, Пастеров станциясига жойлашади. Бироқ ниҳоятда ақлли, кучли ва ҳужумкор шимпанзеларни у қўлга туширолмайди. У пайтда ухлатадиган дори жойланган ўқлар йўқ эди. Овчилар билан басма-бас олишувда эса кўпинча маймунлар ғолиб келарди. Гвинеяликлар маймун овлашнинг энг жоҳилона йўлларини ҳам ўйлаб топишади. Уларни итлар билан қувиб келиб, дарахт тепасига чиқиб кетишга мажбур қилишади-да, атрофга ўт ёқиб юборишади. Тутундан кўзи ачишган маймунлар пастга сакрашга мажбур бўлади. Ердаги олишувларда ҳам кўпинча овчилар маймунларга таланиб, оғир жароҳатлар олишган. Ивановнинг ўғли Илья ҳам маймунлар қасосидан қочиб қутулолмайди, жаҳли чиққан шимпанзе унинг кўкрагини ёриб ташлайди. Йигитча госпиталга ётқизилади.

Тажриба учун гвинеялик аёлларни маймун спермаси билан уруғлантириш тажрибаси ҳам оғир кечади. Илья Иванов маҳаллий аёлларнинг эркак гориллалар томонидан ўғирлаб кетилишига доир кўпгина воқеаларни эшитган. Гўё улар маймундан ҳомиладор бўлиб, ҳатто бола ҳам туғишган эмиш. Бироқ маймун томонидан зўрланганидан сўнг озод қилинган аёлларни гвинеяликлар таҳқирланган ҳисоблаб, ўз қавми етакчиларининг сукут ичидаги ризолиги билан ими-жимида ўлдириб юборишар экан. Шу сабабли гвинеялик аёллар бундай тажрибада иштирок этишни мутлақо хоҳлашмайди...

*"АиФ"нинг шу йилги 20-сонидан олинди.*


## Диққат: ТАНЛОВ!

**"Ўзбеккино" Миллий агентлиги ва Ўзбекистон Бадиий академияси "Баркамол авлод йили"да пойтахтимизнинг Алишер Навоий номидаги кино саройида болалар учун барпо этилаётган махсус кинозал, қишки ва ёзги ўйин майдончалари дизайнида миллий ва замонавий анъаналар кенг ва уйғун акс этадиган лойиҳалар учун**

### ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

***Танлов эълон қилинган кунидан бошлаб бир ой давом этади. Унда ёш ижодкорлар, тасвирий санъат, маданият ва санъат олий ўқув юртлари, коллеж ва лицей талабалари иштирок этиши мумкин.***

***Танлов шартлари ҳақида қуйидаги телефонлар орқали маълумот олиш мумкин: 241-03-84, 256-34-07, Алишер Навоий номидаги кино саройи ("Панорама").***

***Танлов ғолибларини махсус соврин ва қимматбаҳо совғалар кутмоқда.***

Азиз ёш ижодкорлар!

Болалар учун барпо этилаётган махсус кинозал, қишки ва ёзги ўйин майдончалари дизайнида миллий ва замонавий анъаналар кенг акс этадиган лойиҳалар танловида фаол иштирок этасиз, деб умид қиламиз.

***Ташкилий қўмита.***


# ГЎДАК МЕҲРИ

*Қатра*

Раънонинг зарур иши чиқиб қолди. Эндигина бир ёшдан ошган ўғилчасини хўжайинининг қўлига топшириб кетмоқчи эди, бироқ хўжайини ишдан қололмаслигини айтди. Ноилож қўшни қизларни чақириб келди. Болани йўлда қийналиб кўтариб юрганидан кўра шуни маъқул кўрдида, иложи борича тез қайтишини айтиб, кийимини алмаштириб чиқиб кетди.

Қўшни қизларнинг бири болага қаради, бири уй йиғиштиришга тушди. Бир маҳал бола қўлини чўзиб «ая», «ая» деб йиғлай бошлади. Икки қиз ҳам ҳайрон, чунки аяси аллақачон кетиб бўлганди.

Бола эмаклаганича бориб қизнинг қўлидаги кўйлакка тирмашди. Қиз ҳам дарҳол тушуниб, кўйлакни боланинг қўлига берди.

Икки қиз бир-бирига қараб кулиб юборди. Сабаби бу аясининг уй ичида киядиган кўйлаги эди. Боягина шу кўйлакни алмаштириб, бешикнинг устига ташлаб кетганди. Қўшни қиз бешикнинг ёпқичларини тўғрилаб, кўйлакни қўлига олганда бола йиғлашни бошлаган экан. Бола кўйлакни бағрига босдию йиғидан тўхтади. Икки шўх қизга эрмак топилди. «Ая»нинг кўйлагини бер, деб, бири қўйиб, бири сўрарди. Бола «йўқ» деганича онасининг кўйлагини маҳкамроқ бағрига босарди. Бола сут ичгандаям кўйлакни қўлдан қўймади. Ҳатто ухлагандаям шу кўйлакни қучоқлаб ётди.

Уйқудан кейин эсидан чиққандир, деб қизлар яна кўйлакни сўрадилар. Бола қизғанганича «йўқ», деди.

Қизлар болани эркалаб кўтардилар, ширинликлар билан сийлашади, лекин бола кўйлакни бермади.

Раъно уйга кириб келганида ўғилчаси кўйлагини бағрига босиб ўтирарди. Қизлар кула-кула ўғлининг қилиқларини айтиб беришди. Раънонинг болага қараганча кўзига ёш келди: у ўзгаларга онасининг эски кўйлагини бермабди-ю, онаси эса унинг ўзини ўзгаларга ташлаб кетибди...

**Барно РУСТАМОВА**


Учтепа тумани Хокимияти тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекцияси томонидан 2010 йил 29 январ реестр № 000283-01 рақами билан рўйхатдан ўтган "ADOLAT-RISOLAT" хусусий корхонасининг бурчак тамғаси йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

* * *

Тошкент шаҳар Ҳамза туманидаги 198-ўрта мактаб томонидан Мирджалилова Муаззам Кучкаровна номига 1991 йилда А №-508806 рақами билан берилган 10-синфни тугатганлиги ҳақидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

* * *

Утерянный план квартиры выданный БТИ Сергелийского р-на по адресу: ул. Южная Промзона дом-3, кв-11 на имя Никитина Геннадия Васильевича **СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.**

* * *

ООО "Nodirshox Business" зарегистрированный отделом государственной регистрации субъектов предпринимательства хокимията Учтепинского района г.Ташкента, расположенное по адресу: г.Ташкент, ул.Маргилоний, 9. (ИНН 206195183) **ЛИКВИДИРУЕТСЯ** (приказ №1 от 26.05.2010г.) претензии принимаются в течение 2-х месяцев с момента опубликования указанного объявления. Срок ликвидации 2 месяца.

* * *

Хусусий тадбиркор Акромов Жасур Улуғбекович номига тегишли бўлган қуйидаги ҳужжатлар:

— "Меркурий" касса апарати 115 ФУЗ 787870 тартиб рақами №5954;

— бурчак штампи;

— 01-06667 рақамли гувоҳнома;

— лицензия: чакана савдо рўйхат рақами 4767 жш 031974;

— касса китоби;

— касса апаратининг регистрация қоғози йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.** (Ҳужжатларни топиб қайтарганга мукофот бор. Тел: 777-93-43).

* * *

Утерянный план квартиры выданный БТИ Юнус-Абадского р-на по адресу Юнус-Абад — 2, дом 30, кв. 81 на имя Лисицына Юрия Владимировича **СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.**



МУАССИСЛАР: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ВА СПОРТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ, ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ

* * *

НОШИР: "ШАРҚ" НАШРИЁТ-МАТБАА АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

ҲОМИЙ: "МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ" АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

O'zbekiston adabiyoti va san'ati

Манзилимиз: Тошкент — 700083, Матбуотчилар кўчаси, 32

Қабулхона — 233-52-91 Электрон манзилимиз:

Котибият — 233-49-93 info@uzas.uz

Танқид ва адабиётшунослик бўлими: 236-56-50 Санъат бўлими: 236-56-48

Ижтимоий ҳаёт бўлими: 236-58-55 Назм ва наср бўлими: 236-58-55

Бош муҳаррир Саъдулла ҲАКИМ

Таҳририятга келган қўлёзмалар таҳлил этилмайди ва муаллифларга қайтарилмайди. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.

Навбатчи муҳаррир — Аҳмад ОТАБОЕВ

Саҳифаловчи — Элёр МАҲМУДОВ

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси.

Босишга топшириш вақти — 20.00. Босишга топширилди — 22.48

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0283-рақам билан рўйхатга олинган. А — 6973. Буюртма Г — 448. Ҳажми — 5 босма табоқ. Нашр кўрсаткичи — 222. Ташкилотлар учун — 223. 1 2 3 5 6 7 8

ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ. СОТУВДА НАРХИ ЭРКИН